
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ёш ленинчи

1990 йил 1 февраль
Пайшанба
№ 23 (13. 459).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи •



Бундан бир ярим йил муқаддам ҳам Ғиждувон халқ истеъмоли буюмлари фабрикаси қолоқлик ботқоғида эди. Корхонанинг қарзи 1 миллион 600 минг сўмни ташкил этарди. Бугун фабрика коллективи ўз фаолиятида туб бурилиш ясамоқда. Корхона раҳбарлигига янгигина келган Раҳмат Ҳидоятовнинг ана шу янгиланишдаги ҳиссаси коллектив томонидан сўзсиз тан олинмоқда.

Эндиликда корхонада фойдаланилмай ётган ички резерв ва имкониятлар ишга солинмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли ва харидоргир бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фабрика ишчи кучларининг асосий қисмини ташкил этадиган йигит ва қизлар барчага намуна кўрсатмоқдалар. Уларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашаётганликлари туфайли савдо шохобчаларининг фабрика маъмуриятига эътирозлари камайиб кетди.

СУРАТДА: фабриканинг илғор ишчиси Раъно Сиддиқова.

ЎзТАГ мухбири В. КОВРЕИН суратга олган.

ЁШЛАР МАНФААТЛАРИ УЧУН

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияси ҳузурида жумҳуриятда янги ёшлар сиёсатининг ҳаракатномаси ва асосларини ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилган. Унинг таркибига жамоат арбоблари, комсомол фаоллари, шоирлар, адиблар, олимлар, ветеранлар жамоатчилиги, студентлар ва норасмий уюшмаларнинг вакиллари киритилган.

Бироқ, муаллиф фаоллари ёшлар сиёсатининг янги ҳаракатномаси ҳамда асослари лойиҳасини тайёрлашга даъват этилган бўлсалар ҳам, лекин шу билан чекланиб қолишмайди. Доимий комиссия ва ишчи гуруҳи аъзолари умид қиладики, лойиҳани шакллантиришда ёш ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, мактаб ўқувчилари, талабалар, партия ва комсомол ветеранларининг вакиллари — барча истовчилар фаол иштирок этадилар.

Таклифларни қуйидаги адресга юбориш мумкин: 700029, Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси, жумҳуриятда ёшлар сиёсатининг ҳаракатномаси ва асосларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳига. Телефонлар: 39-17-00, 39-43-48.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаковнинг «Бизда қонуннинг устунлиги етишмай турибди» деган фикри Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги танг вазиятни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил этишга ўзига хос бир калит бўлди. Е. М. Примаков ва КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гриенко якшанба куни Бокудан қайтиб келдилар, 30 январь куни эса «Правда» газетаси таҳрир ҳайъатининг мажлислар залида оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Учрашувни КПСС Марказий Комитети Идеология бўлимининг мудири А. С. Капто очди. Иттифоқ Совети Раиси журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, вазиятнинг ниҳоятда кескинлашишига олиб келган жараёнларда ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ ҳокимиятсизлик кишини саросимага солишини эътироф этди. Озарбайжон халқ фронтининг экстремист кучлари худди шундан фойдаландилар. Нотиқнинг фикрича, ҳозир вазият нормаллашмоқда. Масъулиятсиз унсурлар халқни қандай жар ёқасига олиб бораётганликларини одамлар тушуна бошладилар.

А. Н. Гриенко саволлардан бирига жавоб қайтариб, Озарбайжоннинг янги сиёсий раҳбарияти халқнинг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган тўғри йўлни тутмоқда, деган фикрни айтди, бу раҳбарият ана шу кучларга таяниб, нормал турмушга қайтишнинг жўн бўлмаган вазифаларини ҳал этишга қодирдир.

(ТАСС мухбири).

Бугун Озарбайжон пойтахтида

Бокудаги иш ҳафтасининг иккинчи куни осойишталик билан бошланди. Автомобиллар турна қатор бўлиб ўтиб турибди, одамлар ўз ташвиши билан овора, қуёш худди кўкламдагидек чарақлаб турибди. Бир неча кун илгариги даҳшатли воқеалар гўё бўлмагандек. Ҳозир шаҳар аҳли одатдагидек ҳаёт кечирмоқда.

«Боку» универмагига кирдик. Сотувчиларнинг хушмуомалалигига жуда талабчан харидор ҳам тан берган бўлур эди. Бундай муомаланинг сири аён: универмаг аҳли шаҳар савдосида биринчи бўлиб ижара пудратига ўтган эди. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб бу савдо муассасаси мол сотиш ойлик планларини ҳамиша ошириб бажариб келди. Бу ерда хушмуомалани ҳам пул билан ўлчайдилар; харидорнинг дилига йўл топганлик учун универмаг ходимлари 100-120 сўм мукофот оладилар.

Серташвиш январь кунлари универмаг фақат мотам кунларигина ишламади. Тўғри, савдо мароми анча бузилди, автотранспорт етишмаяпти. Учта машинадан фақат иккитасигина универмаг эҳтиёжларига хизмат қилмоқда. Дирекция, вазиятнинг мураккаблигини тушуниб, биринчи талабга биноан озиқ-овқат маҳсулотлари ташиш учун ўз машинасини юбормоқда: одамлар озиқ-овқат бобида қийналиб қолмасликлари учун имкони бўлган барча ишларни қилиши керак. Январдаги воқеалар савдога ҳам анча таъсир этди. «Боку» ойлик планнинг ярмисини бажарди, холос.

Кўчалардаги ҳарбий хизматчилар бокуликларга шаҳардаги вазият жўн эмаслигини эслатиб туришибди, лекин энди аксарият одамлар бу мажбурий чора эканлигини тушуниб турибдилар. 26 Боку комиссарлари номли район комендатураси участкасида офицерларнинг мириқиб дам олишганини, босиқ-вазмин эканликларини биринчи бор кўришди. Ўтган кечаси районда бирон марта ҳам ўқ товуши эшитилмади. Тўғри, чақириққа кўра «Боку Совети» метроси томонга бир марта наряд юборишга тўғри келди. Лекин чақириқ сохта бўлиб чиқди. Бу автомашинанинг носоз овоз ютқичидан чиқаётган пақиллаган товуш экан.

— Ҳаммамизга ҳам осойишталик керак, бизнинг ҳам хотинларимиз, фарзандларимиз бор. Неча ойлаб кўришмай юрибмиз, — дейди район коменданти, полковник И. Рубцов.

Район аҳли бу кишини яхши танийди. У ўтган йилнинг бошидан бери бу ерда комендант бўлиб, Фарғонадаги воқеалар сабаблигина Озарбайжон пойтахтидан шошилинч жўнаб кетган эди.

Дарҳақиқат, бугун Боку аҳлига осойишталик жуда зарур. Шаҳар аҳли ана шу кўп миллатли заминда тинчлик тезроқ барқарор бўлиши учун ҳамма ишларни амалга оширади, деб умид қиламиз.

П. СИНЯКОВ,
В. ФОМИН,
ТАСС мухбирлари.
Боку.

Барқарорлаштириш йўлидан

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида 30 январь куни ўтказилган брифингда Кавказорти регионидаги, аввало Озарбайжон ва Арманистондаги вазият билан боғлиқ бўлган масалалар совет ва чет эл журналистларининг диққат марказида бўлди. КПСС Марказий Комитети миллий муносабатлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. А. Михайлов ахборот берди, у куни-кеча Озарбайжондан қайтиб келган ва у ерда кечаётган воқеаларнинг гувоҳи бўлган эди.

В. Михайлов, Бокуда фавқулодда ҳолат эълон қилиш ва у ерга Совет Армияси бўлинмаларини киритиш зарурати тўғрисида гапирар экан, воқеаларнинг кетиши айниқса сўнгги икки ой мобайнида бу қадар кескин, бу қадар шиддатли кечиши шундан далолат бериб турибдики, аслида айрим қуролли можаролар бутун-бутун гуруҳларнинг оммавий ҳарбий ҳаракатларига айланиб кетди, — деб эслайди. Арманистонда ҳам, Озарбайжонда ҳам экстремист кайфиятидаги жангарилар қўлида анчагина қурол-яроғ, жумладан автомат қурол тўпланиб қолди. Турли миллатларга мансуб бўлган аҳоли яшаётган минтақаларда кўпинча мазкур қурол ишга солинди.

В. А. Михайлов танглик тарихини таҳлил этар экан, таассуфки, иккала республика ҳам СССР Олий Советининг 1989 йил 28 ноябрдаги қарорини инкор этганлигини таъкидлади, ҳолбуки бу қарор мавжуд аҳволдан чиқишнинг амалий йўлини очган эди. Иккала томон ҳам музокара бошлаш йўлини тутмади. Айни вақтда Озарбайжон халқ фронтининг экстремист кайфиятидаги раҳбарлари мудофаа комитетлари туза бошладилар, жангарилар қуроллантирилди, Жалилободда ҳокимиятнинг Конституцияга кўра, тузилган органлари ағдариб ташланди, Нахичиван АССРда чегарадаги инженерлик-техника иншоотлари қўпориб ташланди. Бокудаги митингларда Озарбайжон халқ фронтининг раҳбарлари (ҳозир бу фронт ажралиб кетди) ҳокимиятни қурол билан қўлга киритишга даъват этдилар, улар аслида Бокуда ва республиканинг бошқа районларида алоҳида ҳарбий ҳолат жорий қилган эдилар: йўллар, ҳарбий бўлинмалар тўсиб қўйилди, телевидение ва телеграфни эгаллаб олишга уринишлар бўлди. Январь ойининг биринчи кунларида республикага юборилган СССР Ички ишлар министрлигининг 11,5 минг кишилик ички қўшинлари бўлинмалари шаҳар аҳлининг хавфсизлигини таъминлашга, вазиятни назорат қилиб туришга эндиликда қодир бўлмай қолдилар. Шу аснода фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. СССР Олий Советининг Президиуми қонун йўли билан ўзига бериб қўйилган ҳуқуқдан фойдаланди.

Эндиликда, деб таъкидлади нотиқ, республикадаги, шунингдек Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном вилоятидаги, Арманистоннинг шу вилоят билан чегарадош районларидаги аҳвол аста-секин барқарорлашмоқда. Республикадаги партия ва совет раҳбарларининг амалий таъсирчан сиёсий чоралари, яъни иқтисодий мустақиллик, ижтимоий ва маданий тараққиёт программаларининг амалга оширилиши, қочоқлар муаммоларининг дарҳол ҳал этилиши, Тоғли Қорабоғ автоном областида конституцион ҳокимиятнинг тикланиши — хуллас, шуларнинг ҳаммаси Бокуда содир бўлган воқеа бундан буён сира қайтарилмаслигининг бош кафолоти бўлиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим тадбирлар кўрилмоқда.


Москва.
(ТАСС мухбири).

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА № 1

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

«Ёш ленинчи» рўзномаси таҳрир ҳайъати жумҳурият талабалари учун ойлик хабарнома «Жилға»ни нашр қилишга қарор қилди. Бугун унинг илк нашри. Унинг мақолаларини талабаларнинг ўзлари тайёрлашган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ўйлаймизки, жилғалар дарё бўлганидек, бир кун келиб бу хабарнома ҳам талабаларнинг кундалик нашрига айланса ажабмас.



Имтиҳон... Оҳ, уларни қанчалик кўп топширамиз-а? Аслида бутун умримиз имтиҳонлардан, синовлардан иборат. Бирон марта қониқдикми, албатта бу қониқиш қачондир ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Сиз суратда кўриб турган ҳолат — имтиҳон пайти. Ҳар бир талабанинг ҳаяжони ошиб, юрак уриши тезлашадиган лаҳза. Имтиҳоннинг ўз қоидаси бор! «Биласанми, қандингни ур, беш, билмайсанми...» Ана шунақа.

СУРАТДА: Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти доценти А. Содирхўжаев сиртқи бўлим талабаси Р. Ўрозметовнинг назарий билимларини синаб кўраяпти.

Суратчаш Е. БОТИРОВ.

Қайноқ давр соҳиблари

Талабалик йиллари... Илмга чанқоқ йигит ва қизнинг тутқич бермас орзу-умидлари, дўстлик ва севги уммонига сархуш бўлиб юрган дамлари, ғам-ташвишлари бор унда. У йиллар талабанинг мукаммал инсон бўлиб шаклланишида, катта ҳаётга дадил қадам қўйишида мустаҳкам пойдевор. У йиллар ташвишли бўлса ҳам, ҳеч қачон эсдан чиқмайди, унутилмайди.

Талабалар бу йилларни: «Энг қайноқ даврим», дейди.

Бугун биз талабалар эътиборига илк бор ҳавола этаётган «Жилға» хабарномаси ана шу жўшқин давр соҳибларига мўлжалланган. Бу хабарномани газетада газета усулида ҳам чоп этмоқчи эдик. Аммо турмушимизда юз бераётган етишмовчиликлар, баъзи техникавий сабабларга кўра ниятимиз амалга ошмай қолди. Шундай бўлса ҳам талабалар билан очиқчасига мулоқот қилишга қарор қилдик.

Муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётган ва ойда бир марта нашр қилинадиган «Жилға» хабарномасининг яна бир ўзига хос томони шундаки, уни талабаларнинг ўзлари тайёрлашади. Хабарнома таҳрир ҳайъатининг ниятлари катта. Улар талабалар орасидан энг иқтидорлиларини излаб топиш, таълим-тарбия соҳасидаги муаммоларни кўтариб чиқиш, ётоқхоналар ҳаётини ошкора ёритиб бориш, моддий ёрдамга муҳтож ёшлар тақдири билан қизиқиб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Яқинда Тошкентда жумҳуриятимиз талабаларининг анжумани бўлиб ўтади. «Жилға» анжуман олдидан «Замонавий талаба: у қандай бўлиши керак?» мавзуида мунозара ташкил этади. Унда олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг муаллимлари, талабалари, жумҳуриятимизнинг барча зиёлилари фаол иштирок этадилар.

Мамлакатимизда тобора кенг қулоч ёзаётган қайта қуриш, ошкоралик ва демократия талабалар ҳаётига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўртоқ М. С. Горбачев талабаларнинг Бутуниттифоқ анжуманида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек: «Талабалик йиллари фақат ўқиш ва илм-фан билан машғул бўлишгина эмас, бу тўлақонли ижтимоий ҳаётдирки, бу ҳаёт йил сайин тобора жўшқинроқ бўлиб бораверади — биз буни биламиз, албатта. Партия барча ижтимоий жараёнларга ёшларнинг тўла жалб этилиши тарафдоридир. Шу нарса равшанки, ёшларнинг ўзига хос манфаатлари бор ва улар ўзгаларнинг имоишорасисиз ана шу манфаатларни рўёбга чиқаришга эришишлари, сиёсий жараёнда иштирок этишлари ва жамиятни ўзгартиришга ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтириб боравеишлари керак. Талабалар худди ана шундай ҳаракат қилишга интилаётганликларини мен мамнуният билан таъкидламоқчиман».

«Жилға» ҳамиша талабаларнинг энг яқин сирдоши, маслаҳатгўйи ва дўстона танқидчиси бўлиб қолишини истайман. У ҳақиқий тоғ жилғасидай мусаффо бўлсин, қўшилиб-қўшилиб дарё бўлсин... Оқ йўл, сенга «Жилға».

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
«Ёш ленинчи» муҳаррири.

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирининг биринчи ўринбосари Юсуф Неъматович АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Юсуф Неъматович, ёшларнинг севимли газетаси «Ёш ленинчи» қошида талабалар хабарномаси ташкил этилаётганидан воқиф бўлсангиз керак. Фикрингиз қандай!

— Талаба аҳли ўзи бир дунё. Улар ҳамиша жамиятнинг илғор, инқилобий янгиликларига ташна оммасидир. Қайта қуриш тантанасидан манфаатдор, уни қаттиқ туриб ҳимоя этаётганлар ҳам бизнинг ана шу оловқалб ёшларимиздир. Руминия, Чехословакиядаги воқеаларни эсланг; жамият ғилдирагини ҳаракатга солаётганлар ҳам ўшалар. Талабалар ҳар бир миллатнинг фахри, келажагидир. Бугунги кун муаммоларининг ечими уларнинг орзу-умидида, ҳаракатида мужассамдир. Ҳаётдаги энг нозик, энг муҳим масалаларни биринчи бўлиб талаба халқи илғаб олади. Бу зийраклик бизни қувонтиради. Ана шундай тийрак шуурлар бирлашса, ўзларига ўзан изласа, бунинг нимаси ёмон! Шунинг учун ҳам «Ёш ленинчи» газетаси ўз зиммасига олган хайрли ишни чин юракдан қўллаб-қувватлайман. Маълумки, Ўзбекистонда 44 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 308 мингдан ортиқ талаба таҳсил кўради, ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қримтатар тилларида дарс ўтилади. Ўзбекистондай давлат миқёсидаги жумҳуриятда шунча талаба таҳсил олар экан аллақачон ўзининг расмий хабарномасига эга бўлиши керак эди. Токи бу газета жамиятимиз ҳаётининг турли томонларини ўзига хос тарзда ёритсин, тор доирада ўралашиб қолмасин, ниҳоят, ўз овозига эга бўлсин.

— Талаба ҳар бир халқнинг фахри, келажаги дедингиз. Миллат келажагига талабанинг билим пойдевори мустаҳкам бўлган тақдирдагина умид кўзи билан қараш жоиздир. Афсуски, ҳали жумҳуриятимизнинг навқирон авлоди дунёвий билимларни ўзлаштиришга ожиз. Сабоқ намуналарининг усуллари нотўғри аҳволда. Олий ўқув юртларида эскирган ўқитиш жараёнини тубдан ўзгартириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти!

— Мен ижтимоий фанлар ҳақида гапирсам. Олий ўқув юртларида «КПСС тарихи», «Диамат», «Исмат», «Илмий коммунизм» фанларининг номи «XX аср сиёсий тарихи», «Фалсафа», «Сиёсий иқтисод», «Ҳозирги социализм назариясининг муаммолари» номи билан ўзгартирилди. Албатта бунда нафақат ном, балки мазмун ҳам ўзгарди. Аввалги бир ёқлама қараш, қотиб қолган тасаввурларни имкони борича ҳаётга яқинлаштиришга ҳаракат қилинди. Ўз тарихини билмаслик гуноҳи азимдир. Талабалар учун мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» рисолалар тўпламини нашриётга топширдик.

— Шу ўринда бир муаммога тўхтасак. Мана, ўзбек тили ҳам давлат тили бўлди. Техника ва тиббий билим берадиган олий ўқув юртларида эса ҳамон рус тилида дарс ўтилади. Бу соҳаларни қамраб олган ўзбекча ўқув қўлланмалари йўқ. Ўзбек тилида ўқув қўлланмаларини чиқариш нега суст бормоқда!

— Йиллар мобайнида ўзбек тили ўз мавқеини йўқотиб борди. Энг кичик аризамадан тортиб муассасаларaро битимлар ҳам рус забонида битилмаса, инобатга олинмади. Раҳбарларимиз рус турмуш тарзини — маданият мезони деб билдилар. Оқибат — оқибатда, ўзбек тили фақат уй тилига айланди. Бунда миллий удумлар ҳам, расм-русумлар ҳам

3-бетга қаранг!

КОМСОМОЛ ЯШАШИ КЕРАК



Бу конференция бошқа конференциялардан деярли фарқ қилмади. Уларнинг ҳаммасида ҳам комсомол олдида турган муҳим муаммолар, вазифалар рўй-рост, очиқасига айтилди.

Лекин...

Лекин барибир XXV Тошкент вилоят комсомол конференцияси бошқача — ўзига хос тарзда ўтди. Бошқачалигини шундаки, у дастлабки дақиқаларданоқ ўта муросасиз, кучинчалик билан, айни пайтда шиддатли тарзда борди.

Конференциянинг дастлабки таомили — ишчи ҳайъатини сайлаш бўйича олдиндан тайёрланган таклифда 23 киши кўрсатилган эди. Делегатлар эътироз билдиришди — 23 та кўп. Бешта ёки еттита етади. Шу масаланинг ўзи қарийб ярим соат муҳокама бўлди. Ахийри 23 киши сайланди.

Бир ҳисобда бу баҳснинг бўлгани яхши. Ҳар қалай делегатлар эски қобиқларимизнинг «номери» энди ўтмаслигини ҳар қадамда ҳис қила бошлашди. Нима, ишчи ҳайъати фақат раҳбарлар учунми, деган таъна ҳам кишини ўйлатди. Лекин масаланинг яна бир жиҳати бор. Бизнингча, гап неча киши ҳайъатда ўтиришида эмас. Борингки, бу ерда 23 эмас, 40 ёки 5 киши ўтирди дейлик. Хўш, нима ўзгаради? Бу конференция ишининг самараси учун қандай фойда беради? Бизнингча, бунинг аҳамияти йўқ. Биз ҳозир ошкораликдан фойдаланиб, ҳар бир масала устида баҳслашишга рўжу қўйганмиз. Лекин бу баҳсдан умумий ишимиз учун не наф? Ҳеч ўйлаб кўрмаймиз.

Иккинчи баҳс конференция ишини қайси тилда олиб бориш масаласида бўлди. Конференция ўзбек тилида олиб борилсин, деган таклиф тушди. Овозга қўйилди. Кўпчилик овоз билан бу таклиф маъқулланди. Шунда рус тилида гаплашувчи делегатлар норозилик билдирди, зални тарк этишлари мумкинлигини айтишди. Ноҳор яна конференция икки тилда олиб борила бошлади. Биз бунга қарши эмасмиз. Фақат бу ҳақда масалани овозга қўйишдан олдин ўйлаш керак эди. Овозга қўйиб, бир тўхтамга келингач, уни яна бекор қилиш конференциянинг ҳам, ишчи ҳайъатининг ҳам, қолаверса, раислик қилувчининг ҳам обрўсини туширади, холос. Ахир ҳозирча бундай катта йиғинларни бир тилда олиб бориш фақат зарар бўлишини биламиз-ку. Аниқроғи, умумий ишимизга, қабул қилинадиган қарорларимизнинг ҳаётийлигига ва таъсирчанлигига зарар қилади. Бундай тўхтамга келишдан олдин тил ўрганиш масаласи жиддий йўлга қўйилса, қайси тилда олиб бориш тўғрисидаги масаланинг ўзи ҳам кун тартибидан тушиб қолади. Шунинг учун ҳар бир ишда масалани овозга қўйишдан аввал обдон ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ эканлигини яна бир марта ҳис қилдик.

Биз бундан уч йил бурун ҳам Тошкент вилоят комсомол конференциясида қатнашган эдик. Гарчи у пайтларда ошкоралик, демократия ҳозиргичалик кенг қанот ёзмаган бўлса-да, ўша пайтларда ҳам кўтарилаётган масалалар анчайин жиддий ва салмоқли бўларди. Муҳими, ҳозиргидек тўс-тўполон, олатасир сўз айтишлар бўлмасди. Тўғри, у пайтларда танқидий фикрлар вулқони бугунгидек бўлмаса-да, сўзга чиққан кишининг ўзига анча талабчан, масъулиятли бўлар, айтадиган ҳар бир гапини ўйлаб гапирарди. Ошкоралик ва демократиянинг беқиёс шарофати қатори у тилимизга ҳаддан зиёд эрк бериб юбормадикми? — деб ўйлаб қоламан, баъзан. Тўғри, илгари ҳар бир киши ўз айтар гапини қоғозга тушириб, у эса катта-кичик мансаблардан ўтиб кишининг сергак нигоҳидан ўтар, ана шундан кейингина катта даврага олиб чиқиларди. Ҳозир эса ҳар ким хоҳлаган пайтида минбарга чиқиши, хоҳлаган гапини айтиши мумкин бўлиб қолди. Бу яхши. Лекин айтилаётган гаплар ҳам шунга яраша жиддий, етти ўлчаб бир кесадиган, амалий аҳамиятга эга бўлиши шарт.

Афсуски, кўпинча бундай бўлмаяпти. Бу конференция ҳам, шундан мустасно эмас.

Конференциянинг диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири икки кун мобайнида муҳокама бўлган кун тартибидаги масалаларнинг бирортаси ҳам делегатларни лоқайд қолдирмади. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор минг чиғириқдан ўтди. Бу-ку яхши. Лекин ҳеч ким шу бугун бундан уч йил бурун бўлиб ўтган конференция қарорларининг ижроси ҳақида лом-мим демади. Негаки ўшанда қабул қилинган қарорлар бугун бандма-банд муҳокама қилинмади? Негаки уларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ўртоқлар бугун ҳисоб беришмади? Умуман ҳисобот-сайлов конференциялари кун тартибидаги масалаларнинг бири қилиб ўтган конференция қарорларининг бажарилиши қўйилса, қандай бўларкин? Шояд шунда комсомол ҳам ва ниҳоят берган ҳар бир сўзининг эртасини ўйлашга мажбур бўлармиди? Ҳисобот маърузасида ҳам бу ҳақда кишининг кўнглига таскин берадиган фикрлар йўқ эди. Менимча, комсомол ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида кейинги иш фаолиятининг йўналишларини белгилар экан, энг аввало шу йиғилишда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ўйлашлари лозим эмасми? Балки, ҳисобот маърузаси ҳам ўша қарорларнинг бажарилиши бўйича тайёрланса маъқул бўларди. Ҳар қалай, ҳозирча қабул қилинган қарорлар бугун ҳам қабул қилинаётган қарорлардек ўз умрини тугатаяпти. Комсомолнинг обрўси ҳақида ташвиш чекканимизда биз шу ҳақда ҳам ўйлашимиз керак.

Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун мен бундан уч йил олдин бўлиб ўтган конференция материаллари билан танишиб чиқдим. Худди ўшанда ҳам мисол учун Тошкентда ўқиётган талабаларнинг турар-жойлари масаласи аҳволнинг ночорлиги ҳақида гаплар айтилган, қарорлар қабул қилинган. Лекин орадан ўтган вақтда нима ўзгарди? Ҳеч нарса. Ҳамон Талабалар шаҳарчасида уларнинг яхши ҳордиқ чиқариши, дарсларга тайёрланиши учун ҳеч бир шароит йўқ. Етоқхоналар ифлос, иситилмаган, энг оддий қулайликлар ҳам йўқ. Бу-ку майли-я, атиги уч йил олдингина гапирилган экан. Лекин ТошДУ талабаси Андрей Каримов бир антиқа фактни келтиради. Бундан роса 24 йил аввал Тошкент вилоят комсомолининг XIV конференциясида ҳам Талабалар шаҳарчасидаги шарт-шароитни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинган экан. Мана сизга «жон олиб, жон бериб» қабул қилинаётган қарорлар-у, уларнинг натижаси. Агар ушбу конференция қатнашчилари ҳам баҳс-мунозаралардан сўнг қабул қилган қарорлари эртага бир пул бўлишини билишганда нима қилишарди...

Юқорида делегатлар бирор бир масалани лоқайдлик билан муҳокама қилмаганликларини айтиб ўтдик. Вилоят қўмитасининг янги составини, ВЛКСМ XXI съездига делегатларни сайлаш масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Бу масалалар билан олдиндан шуғулланган ва уларнинг таклиф қилинаётган таркибини ишчи гуруҳи тайёрлаган эди. Айниқса, ВЛКСМ XXI съезди делегатларини сайлаш жиддий баҳсга айланиб кетди. Ахийри, барча ноҳия делегацияларига ўз номзодларини кўрсатиш таклиф қилинди. Москвага борадиган вакилларни муҳокама қилиш ва шундан сўнггина сайлов ўтказиш, деган хулосага келиб номзод кўрсатилди. Айрим ноҳия делегацияларидан икки номзодни танлашга жазм қилишди. Гарчи бу жараённинг ўзи конференция ишини бир неча соатга орқага суриб юборган бўлса-да, барибир кишини қувонтирди. Чунки СССР халқ депутатларининг бир эмас, икки Съездини, съездлар орасида сессия мажлисларини кўрган ёшлар энди Москвага ўз мустақил фикрига эга ва ана шу фикрини катта минбарларда, катта давраларда — ҳимоя қила оладиган кишиларни юборишга жазм қилишган бўлса ажаб эмас.

Бунда кишини қанча умидлантирса, шунчалик ташвишлантирадиган нарса ҳам бор. Конференция ВЛКСМ XXI съездида ҳимоя этиш учун ёшлар ўртага қўядиган ягона дастурни ишлаб чиқишолмади. Минг зўр, минг дадил кишиларни Москвага юборсак ҳам, агар уларнинг катта анжуманда ўртага ташлайдиган аниқ йўналишлари, ҳимоя қиладиган нуқтаи назарлари бўлмас экан, съезддан кўп нарса кутишга ҳаққимиз борми?

Гарчи конференцияда бунинг уддасидан чиқилмаган бўлса-да, «ҳечдан кўра кеч», дейилганидек, янги сайланган қўмита аъзолари бу масала бўйича алоҳида йиғилиб, ВЛКСМ XXI съездига вилоят ёшларининг ҳаракат дастурини белгилаб олишмаса, унда чинакамига ВЛКСМ XXI съездидан кейин ҳам вилоят ёшлари ҳаётида ҳеч нарса ўзгармайди, деб айтиш мумкин.

Ошкоралик замонида комсомол масалаларининг ҳам «ёпиқ» мавзулари бўлмаслиги керак. Биз буни яхши биламиз. Лекин шундай бўлсада комсомол ва партия ташкилотларининг муносабатлари ҳақида гапирганда ҳар қалай эҳтиёткорлик билан гапирамиз. Конференцияда бу масала очиқчасига, принципиал тарзда ўртага қўйилди. Биз конференцияда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси, улар ўртага қўйган масалалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмадик. Чунки бу билан биз қайсидир маънода бўлиб ўтган бошқа комсомол конференцияларидаги муаммоларни яна такрорлаган бўлардик. Гарчи уларнинг айримлари комсомол ўз умрини яшаб бўлди, деган фикрни ҳам ўртага ташлашди. Бу ерда гапирилган комсомол ҳаёти, унинг партия билан алоқалари масалаларида ҳам кўпчилик ўз фикрини баён этди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилоти котиби А. Тимошенконинг гапларини келтирамиз: «Борингки, бизнинг комсомол тарқатиб юборилганда ҳам бизнинг ёшларимиз бирлашишга интилади. Чунки у бизга ҳаётимиз учун зарур». Конференция қатнашчилари унинг бу гапларини маъқуллашди. Чунки ҳозир ҳам комсомол ҳали бизга керак. Фақат ҳозирги кўринишда эмас. Янгиланган, жанговар ва мустақил ташкилот сифатида, дейишди улар.

А. АХМЕДОВ,
А. ТЕРТЕРЯН,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси шўъба мудирлари.

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Тошкент

ТУТАШ НУҚТАЛАРНИ ТОПАЙЛИК



XXV Тошкент вилоят комсомол конференцияси давомида ва унинг ниҳоясида мухбирларимиз делегатлар ва анжуманга таклиф қилинган кишилар билан суҳбатлашиб, конференция таассуротлари ҳақида сўрашди.

Чиннихон ИБРОҲИМОВА, комсомол ва партия ветерани:

— Яқинда мен Фарғона вилояти комсомолларининг анжуманида ҳам иштирок қилдим. Менинг назаримда, у ерда гаплар бугунгидан кўра конкретроқ ва ўткирроқ қилиб қўйилди. Бугунги конференцияда ҳам ёшлар ҳаётида юз бераётган барча жараёнларда комсомолнинг масъулияти тўғрисида гаплар бўлмоқда. Бу яхши. Чунки, яқинда ВЛКСМнинг XXI съезди бўлиб, у комсомол ташкилотининг келажаги қандай бўлиши кераклигини белгилаб беради.

Яна бир нарсани айтиб ўтсам. Одатда барча комсомол тадбирларида мени анжуман ҳайъатига таклиф қилишарди. Қайта қуриш шарофати биланми, энди ветеранлар пастда ўтиришади. Мен бунга хафа эмасман. Залда ўтирганда, айниқса, юз бераётган воқеаларни, атрофингдагиларни кўтарилаётган масалаларга муносабатини яққол ҳис қиларкансан. Қолаверса, бугун президиумга ўтирганларга унча ҳавас ҳам қилмайсан киши. Уларга анча оғир бўлди. Одамлар кўнглидаги гапни тап тортмай гапиришди.

Феруза ҚАМБАРОВА, Олмалиқ шаҳридаги 19-ўрта мактаб ўқувчиси:

— Умуман, конференция менга ёқаяпти. Лекин у бироз чўзилиб кетмоқда. Бунинг сабаби минбарга чиқаётганлар ўзига нима келса гапиришаяпти. Айримлар шунчаки ўзини кўрсатиш учун ҳам сўз олаётганга ўхшайди.

Елена ТРАВИНА, ўқитувчи, ВЛКСМ XXI съезди делегати:

— Ушбу йиғин бошқа барча ҳисобот-сайлов анжуманлари каби ўтган давр фаолияти учун якун ясаб, комсомол қўмитасини янги таркибининг фаолият йўналишларини белгилаб бериши керак. Бу конференциянинг ўзига хослиги шундаки, у ВЛКСМ XXI съезди арафасида ўтаяпти. Бу съезднинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун конференция вилоят ёшларининг съездда ҳимоя қиладиган ҳаракат дастурини белгилаб беради деб ўйлаганман. Афсуски, ундай бўлмади. Мен мисол учун съездда ўз мактабим, ўз мактаб комсомол ташкилотимнинг бу катта анжуманда ўртага қўядиган масалаларини яхши биламан. Худди шундай дастур бугун конференцияда ишлаб чиқилмагани мени бироз ташвишга солади.

Валерий КРИВОШЕЕВ, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг шўъба мудири:

— Конференция ҳақида ҳар хил фикр билдириш мумкин. Яхши ҳам дейиш мумкин, ёмон ҳам. Умуман, унда танқид кўп бўлди, лекин ҳозирги аҳволдан чиқишнинг аниқ йўл-йўриқлари тавсия қилинмади.

Ботир МИРБОБОЕВ, Тошкент халқ хўжалиги институти комсомол ташкилотининг котиби:

— Менинг конференция ишидан сира ҳам кўнглим тўлмади. Биринчидан, ҳар бир ноҳия комсомол қўмитаси ВЛКСМ XXI съездига делегатликка бир нечтадан номзодни тавсия қилган. Вилоят қўмитаси қошидаги ишчи гуруҳи эса улардан ўзига ёққанларини танлаб олган. Конференцияда эса ўша ноҳиянинг вакиллари бу делегатга қарши овоз беришмоқда. Натижада эса шу ернинг ўзида пала-партишлик билан қайтадан номзод кўрсатилмоқда. Шундай экан, нима учун ишчи комиссияси тузилди? Нега у ўз ишига жиддий қарамади? Съездга ҳам шундай муносабат билан ёндашиб бўладими? Агар эртага шу тўполонда сайлаган делегатларимиз Москвадан қўлларини қовуштириб қайтиб келишса, биз кимни айблаймиз?

Яна бир гап. Бизнинг институтимиз Чилонзор ноҳия комсомол ташкилотининг сон жиҳатидан катта қисмини ташкил қилади, лекин бугунги конференцияда институтдан битта ўзим қатнашяпман. Ноҳия комсомол қўмитасининг аппарати ходимларининг эса деярлик ҳаммаси шу ерда. Мана сизга демократия, мана сизга ҳақиқат.

Ҳотам Маҳкамович АБДУРАИМОВ, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг бўлим мудири:

— Ўз вақтида мен Тошкент вилоят комсомол қўмитасида котиб бўлганман. Биз ҳам конференциялар ўтказардик. Лекин бу конференция анча танқидий руҳда ўтмоқда. Конференцияда норозилик, эътироз кўп бўлмоқда. Аппарат ходимлари ишидан қониқмаслик билдирилмоқда. Лекин аппарат сайлаб қўйиладиган орган орқали шаклланишини, у учун ишлашини ва комсомол қўмитасининг иш усулини ифодалашини тушунишни хоҳлашмаяпти. Амалий фикрлар ҳам бор. Лекин ортиқча ҳис-ҳаяжонларга берилиш, чираниб гапириш кўп бўлаяпти. Бу билан эса ишни жилдириб бўлмайди.

Ҳасан ИСЛОМХЎЖАЕВ, Тошкент Давлат дорилфунуни аспиранти:

— Ҳасан, айтингчи конференциядан кўнглингиз тўлдими?

— Конференциядан кўнглим тўлмади. Сўзга чиққанларнинг айримларинингина гапларида ёшлар уюшмасининг ҳозирги аҳволидан чинакам ташвиш сезилиб турди. Амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар жуда ҳам оз бўлди. Менимча, бунинг сабаби делегатларимизнинг умумий савиясига боғлиқ. Мен бу ўринда уларни айбламоқчи эмасман. Сиёсий маданият савиясининг пастлиги бу ҳаммамиз учун таалуқлидир.

Яна бир ҳолатни айтмоқчи эдим. Ёшларнинг энг илғор вакиллари комсомолдан чиқиб кетаяпти, комсомол ишида қатнашишдан бош тортишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ноҳия комсомол конференцияларида яққол сезилди. Натижада ана шу конференцияларда сайланган кишилар мана бугун вилоят комсомолининг келажагини аниқ кўра олишолмаяпти.

Улар комсомол ҳозирги кунда реал куч эканлигига ишонмайдилар. Яна битта гап. Ҳозир комсомол асосан пул ишлашга куч бера бошлади. Молиявий мустақиллик — бу керак. Лекин мафкуравий ишни ҳеч маҳал эътибордан қочириб бўлмайди. Бу иш эса ҳозир бизда яхши йўлга қўйилмаган. Ҳар қандай сиёсий ташкилотнинг энг муҳим вазифалардан бири мафкуравий ишдир.

Анвар НАБИЕВ, Энгельс номидаги Тошкент чет тиллар педагогика институти ўқитувчиси:

— Гап ким съездга боришида эмас, гап умумий ишга наф бўлишида. Амалий ишга келсак, у конференцияда кам бўлди. Бу менинг назаримда, конференцияни тайёрлашдаги бир қатор камчиликлар билан боғлиқ. Мисол учун уни қайси тилда олиб бориш тўғрисида олдиндан ўйланмаган кўринади. Олдин ўзбек тилида олиб бориш ҳақида қарор қилинди, кейин эса у бекор қилинди. Бу кўпчилик орасида норозилик туғдирди. Менинг назаримда, ишчи ҳайъати конференция ишини бошқариб боролмади.

Анвар ҚАЮМОВ, Тошкент вилоят қўмитаси қошидаги «Диёр» ёшлар муаммоларини мувофиқлаштирувчи марказининг директори:

— Мен ўзим конференция делегатиман, залда ўтирибман. Лекин бизнинг ходимларимиз ташқарида конференция қатнашчилари ва таклиф қилинганлар учун хизмат қилишмоқда. У ерда бизнинг марказ фаолияти билан, ёшларга кўрсатадиган хизматларнинг турлари билан танишиш мумкин. Бу ерда корхоналар билан шартномалар тузамиз, телефонлар, адреслар алмашамиз. Марказимиз учун вилоят қўмитаси бошда сарфлаган пулини аллақачон қоплаганмиз. Ўтган йили 1 миллион сўмлик атрофида хизмат кўрсатдик. Тўла хўжалик ҳисобига ўтганмиз. Хизмат турлари ранг-баранг. Мисол учун соатсозлар бригадасининг бошлиғи Зафур Абзалов шу бугун тушгачаёқ бир кунлик планини бажарди. Унинг учун бугунги кун сермаҳсул бўлди. Ўйлардимки, барча делегатлар учун ҳам конференция сермаҳсул бўлса.

Владимир Гаврилович ГРИШЧУК, Тошкент вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби:

— Конференция ўзига хос тарзда ўтди. Бу биз партия ходимларига ҳам ўзимизнинг бўлажак конференциямиз ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозимлигини билдирди. Ким билади, балки бизнинг конференця бундан ҳам жанговарроқ бўлиши мумкин. Бугун бу ерда кўп баҳслар, тортишувлар бўлди, комсомолнинг кейинги ҳаёти ҳақида қизғин фикрлар билдирилди. Лекин менга бир делегатнинг гапи айниқса ёқди. «Бизга партия керак. Биз ҳам партияга керакмиз», деди у. Бу сўзлар партия ва комсомолнинг бугунги ўзаро муносабатларининг моҳиятини белгилаб беради. Фақат бизлар ўзаро фаолиятимизнинг умумий туташ нуқталарини топа билишимиз керак. Ана ўшанда ишларимиз албатта йўлга тушиб кетади. Мен бунга ишонаман.

Суратларда: конференциядан лавҳалар.

Суратқаш А. РАҲИМБОЕВ.

Хорижднн хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПЕКИН. Хитой бундан буён ҳам ислоҳот ва ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтириш сиёсатини ўтказишга содиқ бўлиб қолиши хусусидаги шубҳалар асоссиздир. ХКПнинг мана шу сиёсати ўзгармайди, деди ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси Цяо Ши. У Жанубий Хитойнинг Гуандун вилояти меҳнаткашлари ҳузурида сўзга чиқиб, «хўжалик фаолиятини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётида тартиб ўрнатиш»га қаратилган йўл амалга оширила бошлаганлиги муносабати билан ислоҳот сиёсати ўзгаради, деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини айтди. Цяо Ши вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган бир қанча районларига борди. Ислоҳот ва ошкора сиёсат учун энг қулай шарт-шароит яратиш мақсадида иқтисодиёт тартибга солинмоқда. Ислоҳот ва ташқи дунё билан алоқаларни кенгайтириш сиёсати ислоҳотни амалга ошириш ва тажриба тўплаш жараёнида давом эттирилиб, чуқурлаштирилади ва такомиллаштирилади.

ПАРИЖ. Шарқий Европа мамлакатларидаги бунчалик тез ва ғоят теран эволюция саволлар ва ишончсизлик юзага келтираётганлигини яширмаслик керак. Франция президенти Франсуа Миттеран давлат визити билан Франция пойтахтига келган Италия президенти Франческо Коссига шарафига берилган зиёфатда ана шу ҳақда гапирди.

Эски муаммолар яна юзага келмоқда, янги муаммолар пайдо бўлмоқда, деди Франция президенти миллатлар уйғонаётганлигини ва «немис халқининг бирликка эришиш муддаолари қонунийлиги»ни мисол тариқасида келтириб. Умуман юзага келаётган барча масалаларни ўтмишни унутмай ва уни қайта тиклашга уринмагандагина ҳал этишга эришиш мумкин, деди Франсуа Миттеран. У шунингдек демократия сари бораётган Шарқий Европа мамлакатларига ёрдам бериш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини айтди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Туғилажак чақалоқнинг саломатлиги она сиҳатига боғлиқ. Остравадаги металлургия комбинати табобат маркази базасида оналар ва болалар бўлими ташкил этилган. Шифокорлар корхонада ишлаётган аёлларнинг соғлиғини назорат қилиб борадилар. Энг янги табобат жиҳозлари билан уларга ҳомиладорлик ҳамда туғруқ даврида малакали ёрдам кўрсатадилар.

СУРАТДА: шифокорлардан Р. Ичновский ҳамда ҳамшира М. Дудашевалар ультратовуш ёрдамида мижозни текшириб кўрмоқдалар.

ЧТК—ТАСС сурати.



ТИНЧЛИК ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

ЛУАНДА. Ангола, Конго, Мозамбик ва Эфиопия ҳукмрон партиялари марказий контрол ва ревизия органлари раҳбарларининг Луандада бўлиб ўтган конференциясида Африкада социализм қуриш йўллари муҳокама қилинди. МПЛА—Меҳнат партияси, Конго Меҳнат партияси, ФРЕЛИМО партияси, Эстония Ишчи партиясининг вакиллари Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, шунингдек уларнинг Африка давлатларига таъсирини таҳлил этдилар. Конференция иштирокчилари мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда кўзга ташланаётган ва жумладан Африка қитъасида тинчлик ўрнатилишига кўмаклашаётган кескинликни юмшатиш муҳитини олқишладилар. Делегатлар Ангола, Мозамбик ва Эфиопия халқлари аксилинқилобчи кучларга ва бузғунчи гуруҳларга қарши олиб бораётган курашни, шунингдек ана шу мамлакатлар раҳбариятларининг тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаяжакларини изҳор қилдилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭГИЗАК — ЭГИЗАК-ДА!

◆ АНГЛИЯНИНГ Уэймут шаҳрида яшовчи 17 ёшли эгизаклар — Жонати ва Жейсон Флойд бир вақтда қоринларининг ўнг томонида оғриқ сезишди, кунгиллари айниб, ўқчий бошладилар. Тезда чақирилган врач кўричак деб топди. Биринчи бўлиб жарроҳлик столига Жонати ётди. 24 соатдан кейин эса, шу куни акасидан 500 километр узоқда — бошқа шаҳарда бўлган Жейсоннинг кўричагини олиб ташлашди.

ЭРКАКЛАР УЧУН 32 ҚОИДА

◆ БУЮК БРИТАНИЯДА чоп этилган «Оиласи бахтли бўлишини истовчи эркаклар учун 32 қоида» деб аталувчи китобча кейинги пайтда катта шуҳрат қозонди. Мана ундан баъзи бир сатрлар: «Рафиқангни жуда кўп эркалама», «Хотининг олдида ҳеч қачон таниш аёллар фазилатини мақтаб гапирма», «Эсингда тут, техника ва футбол умр йўлдошинг учун бир пул!» ва охиргиси: «Фақат калтафаҳм одамгина хотинига ҳамма нарсани гапираверади».

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

◆ БУГУНГИ кунда муаллифлари бир неча олим бўлган илмий мақолалар ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Лекин, «Физикл ревью Летерс» журнали бу соҳада ўзига хос рекорд ўрнатди. Журнал чоп этган мақола охирида 19 муаллиф имзоси турарди. Олимлар исми, улар ишлайдиган илмий муассаса номи журналда атиги... бир саҳифани эгаллади!

ЙЎЛБАРС ЭНГ ХАВФЛИ ҲАЙВОНДИР

◆ МАЪЛУМКИ, Ҳиндистонда аҳоли яшайдиган жойларга филлар тез-тез ҳужум қилиб туради. Кейинги вақтда бу териси қалин босқинчилар анъанавий қўрқитиш усуллари бўлган бақириқ-чақириқ, олов ва бошқа нарсалардан чўчимай қолдилар. Бир гуруҳ олимлар йўлбарс ўкиригини магнитофон лентасига ёзиб олиб, фойдаланишни тавсия этишди. Бу овоз филлар учун энг қўрқинчли бўлиб чиқди...

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

Жилға № 1

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

Шу сонга хабарлар

АНДИЖОН табобат олий ўқув юртида тўрт мингдан зиёд талаба таҳсил кўради. Улардан бир минг беш юзга яқини институт қошида ташкил этилган талабалар илмий жамиятларида фаолият кўрсатмоқдалар. Илмий жамият қошида олтита тўгарак иш олиб боради. Катта амалий тажрибага эга бўлган олимлар, ўқитувчилар раҳбарлик қилаётган ушбу тўгаракларда талабалар табобат дунёси сирларини ўрганадилар, тажриба орттирадилар.

Комсомол қўмитаси қошида яқинда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ширкат тузилди. Юқори курс талабалари ўқишдан бўш вақтларда ана шу ширкатда меҳнат қилишлари мумкин. Талабалар асосан истиқомат жойларида тиббий ёрдам кўрсатадилар. Яқинда яна бир ширкат ўз ишини бошлади. «Кардиолог» ширкат тўгаракка табобат фанлари доктори С. Турсунов раҳбарлик қилаётир.

* * *

САМАРҚАНД Давлат дорилфунунида ҳар жума байрамона ўтади. Чунки ётоқхоналарда талабалар учун ўйин-кулги, турли учрашувлар ва Самарқанд табобат институти билан биргаликда дўстлик кечалари уюштирилади. Талабалар шаҳарчасининг ётоқхоналарида эса пуллик кабель телевидениеси ишлаб турибди.

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

[Боши биринчи бетда].

бир чеккага суриб қўйилди. Миллатлар тенглиги адолатсиз равишда бузилди. Миллатлараро муносабатларнинг ленинча қонун-қоидаларидан четлашилди. Қайта қуриш даврига келиб бу қонун-қоидаларнинг тикланиши адолат томон ташланган катта бир қадам деб ҳисоблайман. Ҳақиқатан, ҳозир илмий китобларнинг ўзбекчалаштириш суст бораётир. Бунинг сабабларидан бири илмий китоблар таржимаси қиладиган мутахассисларнинг камлигидадир. Ёлғиз рус тили ва адабиёти институтидагина таржимонлик тайёрлайдиган бўлим бўлиб, йилига 25 талаба таҳсил кўради. Бу жуда кам. Лекин шу йилдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Нукус, дорилфунунларида ҳамда Андижон Давлат педагогика институтида таржимонлик бўйича жами 300 киши таълим ола бошлайди. Ноумид шайтон, зора, инсон тафаккурини кенгайтирадиган, халққа сувдек зарур бўлган китоблар ўзбек тилида чоп этилса...

— Ўзбек ўғил-қизлари Иттифоқимизнинг бошқа жумҳуриятларида ҳам таълим оладими! Улар қайси мутахассисликни эгаллаб қайтадилар!

— Ҳозирги пайтда РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўрта Осиё жумҳуриятларининг 138 олий ўқув юртида 108 ихтисослик бўйича 9500 дан зиёд ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда. Шулардан қарийб 5000 нафари миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1300 талаба техника, 1985 талаба тиббиёт каби соҳаларни эгалламоқдалар. Бундан ташқари, жумҳуриятимизнинг ўзида машинасозлик институти шу ўқув йилидан иш бошлади. Нукусда педагогика институти, Самарқанд ва Нукусда политехника институти бўлимлари очилиш арафасида.

— Юсуф Неъматович, Сиз кўп йиллар АҚШ дорилфунунларида, Қобул дорилфунунида дарс бергансиз. Айтинг-чи, хорижлик талабалар билан бизнинг орамизда нечоғлиқ тафовут бор. Талабаларимиз билим савиясини ошириш учун нималар қилиняпти!

— Хорижликлар на ташқи кўриниш билан, на орзу-умидлари, на ҳатти-ҳаракатлари билан бизнинг ёшларимиздан фарқ қилади. Лекин уларнинг дунёқараши кенгроқ, ўз мутахассислигини чуқур билишга интилувчан, камида икки-уч тилни мукаммал ўрганган ёшлардир. Бизда-чи? Чет тилини билиш у ёқда турсин, ўз она тилини унутиб юборишяпти. АҚШ ва Англия техника олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар барча фанларнинг 30 фоизини ташкил этгани ҳолда, Иттифоқимизда бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этади! Рақамлар изоҳ талаб эмас. Кўпгина ёшларимизнинг маданий меросимизни, тарихимизни билмаслиги — манқуртга айланиб бораётганининг сабабларидан бири шу эмасмикан? Албатта, билимнинг саёзлиги талабанинг айби эмас, жамиятнинг қусури. Турғунлик йилларида бу ҳол авж олиб кетди. Раҳбарлар нафақат маданият, иқтисод, тарих, фан-техника тараққиётига тушов солди, балки уни руҳан майиб қилди. Шу пайтгача фан-техника тараққиёти ҳақида оғиз кўпиртириб ётган эканмиз. Энди кўрсак, бундан 30 йил бурун биринчи сунъий ер йўлдошини, Гагариннинг фазога учириб бутун дунёни лол қолдирган — фан-техника тараққиёти бобосининг эшигини очган эканмиз, барча ривожланган давлатлар бу бинога кириб кетган, биз эса эшикбон янглиғ остонасидан ўтолмай қолган эканмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Булғориянинг оддий мактабида бўлган тилсимлар (компьютерлар) бизнинг олий ўқув юртларимизда бўлмаса! Иллар мобайнида ҳаммани бир қолипга солиш, бутун борлиқни кичик бир тўйнукдан кўрсатиш, маъмурий буйруқбозликнинг илдиз отиб кетгани кишиларимизни маънавий қашшоқ, қарам, ўзларини қарай олмайдиган қилиб қўйди. Иқтисодининг путури кетди. Халқ таълими нозирлигини қийнаб келаётган муаммолардан бири моддий заминнинг ўта паст даражадалиги. Бу масала нафақат бизни, балки бутун жумҳуриятнинг танг аҳволига солмоқда. Ўзбекистон жумҳуриятининг 1991 йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтиши мўлжалланмоқда. Хўш, биз бунга тайёрмизми? Бизда бундай шароитда иш юрита оладиган мутахассислар жуда кам. Шундай экан, ҳар бир соҳа учун малакали мутахассисларни ҳозирдан тайёрлаб боришимиз керак. Авваллари Ўзбекистон маҳсулотлари фақат марказдан жаҳон бозорига олиб чиқилган бўлса, тўла хўжалик ҳисобига ўтгач, жумҳуриятимиз маҳсулотларини жаҳон бозорига бевосита ўзи олиб чиқа бошлайди. Демак, бизга хорижий бозорни, иқтисодни, чет тилларини билувчи уддабурон мутахассислар керак. Бундайлар жуда кам. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент халқ хўжалиги институтида биринчи бор «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасини очдик. Бўлғусида — 1990 йилда кафедра бўлимга айлантирилиб, 25 кишини қабул қилиш мўлжалланган.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтишим керакки, нозирлигимиз истеъдодли ёшларни изламоқда. Биз истеъдод деган сўзни тан олмай катта хатога йўл қўйдик. Бу ёшларни тарбияламадик, кези келганда, оёғидан чалдик, истеъдод учқунини ўчиришга ҳаракат қилдик. АҚШда эса 1972 йилдан бошлабоқ Халқ таълими нозирлигида истеъдодларни аниқлаш, улар билан ишлаш учун махсус бошқарма фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг аниқлаши бўйича, жамиятнинг фақат 2-3 фоизигина туғма зукко кишилардан иборат экан.

Ўзида истеъдод сезган, бир-икки чет тилини, шунингдек ўз мутахассислигини яхши биладиган ёшлардан илтимосимиз шуки, бизга мурожаат қилсинлар. Биз бундай ёшларни чет элларга ўқишга юбориб туришни режалаштириб қўйганмиз. Яна бир марта такрорлайман, истеъдодли ёшларга нозирлигимиз эшиги доимо очиқ! Ёшларни чет элларга юбориш (айниқса, Германияга), 20-йилларда, ундан олдин ҳам қўлланилган, шу туфайли жумҳуриятимиз тараққиётида сезиларли олдинга силжишлар рўй берган эди. Менимча, бу тажриба маданиятимиз, тараққиётимизга фақат ижобий таъсир қилади.

Буни қарангки, ҳозирга келиб, Ўзбекистонда 83 хорижий мамлакатдан 4267 талаба таҳсил олаётган экан. Бизда чет эллик талабаларни ўқитиш 1946 йилдан бошланган. Шу вақт мобайнида улар орасидан 4 фан доктори, 304 фан кандидати чиқибди. Айтинг-чи, бирон-бир ўзбекистонлик хорижий дорилфунуннинг талабаси сифатида илмий унвон олганини эслай оласизми?

— Шу йил 10 январь куни АҚШнинг 36 дорилфунун ва коллеж вакиллари билан нозирлигимиз ўртасида шартнома имзоланди. Бу шартномага биноан ҳар икки томон талабалар, ёш олимлар, мутахассислар алмашиб ўқитиш мажбуриятини оладилар. Валюта бизда йўқ ҳисоби. Шунинг учун шартнома валютасиз, яъни биз уларга қанча талаба жўнатсак, улар ҳам бизга шунча талаба жўнатиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, шу ўқув йилида 19 киши ГФРда ўқишга жўнатилди. Агар ишларимиз шу йўсинда давом этаверса, жумҳуриятимиз чет эллардан давлат бошқариш, иш юритиш усулларини ўзига маълум миқдорда юқтиришига ишонаман.

— Энди кундалик ташвишларимизга қайтсак. Талабаларни азалдан қийнаб келаётган масала ётоқхона масаласидир. Талабаларни ётоқхона билан таъминлаш, ётоқхоналарни таъмирлаш ишлари қандай йўлга қўйилган!

— Бу масаланинг тўла ҳал этилиши яна ўша моддий заминга бориб тақалади. Жумҳуриятимиз талабаларининг 67 фоизи ётоқхона билан таъминланган. Тошкент олий ўқув юртларининг баъзиларини алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, автомобиль транспорти ва йўллар институтининг 94, ТошДУнинг 82, политехника институтининг 81, халқ хўжалиги институтининг ҳамда рус тили ва адабиёти институтининг 38 фоизи ётоқхона билан таъминланган. Халқ таълими нозирлиги Талабалар шаҳарчасини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун ҳар йили 1 млн. сўм ажратар эди. Лекин 1989 йили ТошДУ учун 2 млн. 400 минг сўм, ТошПИ учун ҳам шу миқдорда маблағ ажратилди. Талабалар шаҳарчасида 39 та ётоқхона бўлса, шулардан 37 таси таъмирланди. Маълумингизки, жумҳуриятимизнинг ўзида фақат ижарада турадиган олий ва ўрта махсус билим юртлари талабаларининг ҳар бири учун давлат бюджетидан қўшимча 10 сўмдан ажратилди. Бу 9 млн. 430 сўм деган гап.

— Ва ниҳоят сўнгги савол: Юсуф Неъматович, Сиз динга қандай қарайсиз! Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида дин асосларини чуқур ўргатадиган фан ўқитилса бўлмайди!

— 70 йил мобайнида «дин — афъюндир» деб гапириб келинди. Афъюн — заҳар дейилди-ю, лекин худди ана шу заҳардан минглаб бемор шифо топиши мумкинлиги унутилди. Материализм ҳар нарсага диалектик нуқтаи назардан қарашга ундовчи фалсафа бўлишига қарамай, бир ёқлама қараш авж олди. Ўрта асрларда диндорлар даҳрийларни таъқиб қилгани каби бизда ҳам динга ишонувчилар устига «маданий» юриш қилинди. 50-60-йиллар давомида фақат Руссиянинг ўзида ҳар йили 400 дан зиёд черковлар ёпиб ташланган, бу иш салкам ўлкалараро мусобақага айланиб кетган эди. Ҳар бир йиғилишда ёпилган мачит ва черковлар миқдори ҳақида ҳисобот берилар, «мана, қисқа вақт ичда фалонта диний муассаса йўқ қилинди, бу — совет халқининг савияси ошганидан, юксак тараққий этганидан далолат беради» деб кўкракка уриш одат тусига кириб қолган эди. СССР Конституциясининг 52-моддасидаги «СССР фуқароларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки биронта динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки даҳрийликка даъват этиш ҳуқуқи таъминланади» деган сўзлар оёқ ости қилинди. Диндорлар маънавий эзилди, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Диний китобларни нашр этиш тақиқланди, борлари ҳам тортиб олинди. Деярли ҳар бир динга оид китобда тузукли асос-далилсиз динни қоралайдилар. Ўзимизни бутун жаҳонга даҳрийлар мамлакати деб эълон қилдик. Хўш, биз кимни алдаган эдик? Халқнимми? Йўқ, биз ўзимизни алдаган эдик. Зеро, бу ишда анча тажриба тўпланган. Чунки ўз-ўзини алдаш, бурнидан нарёғини кўролмайдиган, чаласавод кишининг севимли машғулотидир. Шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида бизда кўпгина юрак керак эмас эди, юраксиз қўғирчоқни ип билан бошқариш осон, бунинг учун аввалимбор динни йўқотиш зарур бўлди.

Ниҳоят, узоқ кутилган қайта қуриш, ошкоралик даври уйқуда ётган халқни уйғотди, йўқотган юрагини қайтиб берди. Динга ўзгача кўз билан қарай бошладилар. Руссиянинг христиан динини қабул қилганига 1000 йил тўлиши арафасида 1000 дан ортиқ черковлар тикланди, янгилари қурилди. Ўзбекистонда бундан бир йил муқаддам 84 мачит бор эди. 1989 йилнинг ўзидаёқ 90 тадан зиёд янги мачит очилди. Жумладан, олтита руҳоний СССР халқ ноиби бўлди.

1991 йилда Қуръоннинг ўзбекча китоби нашрдан чиқади. Қуръон ажойиб маданий меросимиздир. Бу аждодларимиз тарихи, маданияти, ҳаёт китобидир. Ҳатто даҳрий бўлиш учун ҳам Қуръонни умуман динни мукаммал ўрганилмас экан, туғма кўзи ожиз ёруғлик ҳақида ўзгаларга ваъз ўқиётгани каби ҳеч бир маъно касб этмайди. Даҳрий ё диндор бўлиш эса ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Олий ўқув юртларида кейинги ўқув йилидан «Дин ва даҳрийлик тарихи, назарияси» номли 24 соатли дарс қўйилиши керак. Бу дарсни миллий ўлкаларда 40 соатгача кўтариш таклифи тушган. Хуллас, ҳали кўп ишлар қилишимиз даркор. Ёшларнинг ҳақиқатни билиш, адолат учун курашиш, билимли ва маданиятли инсон бўлиб етишишларига тилакдошмиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни ТошДУ журналистика факультети 2-курс толиби ЖАҲОНГИР олиб борди.

УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

Ў, биродар, томоша талаб бўлсанг, эрталаб газета-журнал дўконига чиқ! Нега дейсанми? Ў, замондан бехабар, маданиятсиз, агар маданиятли бўлганингда эди, томошалардан бехабар қолмасдинг. Ахир барча талабалар эрталаб газета-журнал сотиб олиш учун Талабалар шаҳарчасидаги «Темурнинг лашкарлари» каби тартиб-интизом билан сафга турадилар. Асаблари бузила бошлаши билан эса, сафлар бузилиб, замонавий «томоша» бошланади. Қанақа томоша дейсанми? Юқорида айтдим-ку сенга, томошаталаб бўлсанг, дўкончага йўлаб ўт, деб. Ахир нимасан Талабалар шаҳарчасида бор-йўғи тўртта газета-журнал дўкончаси бўлса, дарсга ошиқиб турган бечоралар яна нимаям қилишсин?! Ахир газета олмай деса, ҳаётдан орқада қолади, олай деса, иложидан аҳвол.

Нима, обуна бўлишолмайдими дейсанми? Ў, ошна, бу гапни бир гапирдинг, қайта оғзингга ола кўрма. Юқоридаги яхши кишиларимиз эшитиб қолсалар, хафаланадилар. Бўлмағур нарсаларга ақлингни ишлатавериб маломатга қолмагин, тағин. Ўзинг ўйлаб кўр, обуна бўлишинам дейлик! Билмайсан-да! Ётоқхоналарда ҳар бир хона учун махсус қутичалар бўлмаганидан, кўрингани келиб кетаверса, эзилган одамнинг ўзига нима қолади? Талабалар шаҳарчаси бўйича хат ташлайдиган қутича деганлари 3-4 донагина бўлса-ю, яна сен... Нима, давлатга ўтказиб қўйган еринг борми, сенинг? Лекин, қуйингнингча бор, агар ҳар бир хона учун газета-журнал қутичалари қилиб берилса, Ўзбекистондаги барча талабаларнинг орзуси ушаларди-да!

Қудратилло МЕҲМОНҚУЛОВ.

Беминнат ёрдам отряди

ХИВА қишлоқ хўжалиги техникуми комсомол-ёшлари ташаббуси билан ташкил этилган беминнат ёрдам отряди 1986 йилдан буён фаолият кўрсатяпти. Талабалар қурилиш отряди аъзолари ҳар йили ўз меҳнат ҳақларининг бир қисмини техникум комсомоллари оталиғидаги 20-болалар уйига ҳадя қилишади. 1989 йилда ҳам бу яхши анъана давом эттирилди. 43 нафар талаба беминнат ёрдам отрядига қабул қилинди. Отрядга техникумнинг собиқ талабаси, Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлиги учун» медали нишондори, Афғонистонда байналмилал бурчини ўта ётиб ҳалок бўлган Жумабой Бекмуродов номини беришга қарор қилдик. Отряд ёзда Шовот ноҳиясидаги «Коммунизм» колхози ғишт заводида меҳнат қилиб, 75 минг сўмлик иш бажарди ва Хоразм вилояти студент қурилиш отрядлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Талабалар ўз меҳнат ҳақларининг 2270 сўмини беминнат ёрдам фондига ўтказдилар. Шундан минг сўмига оталиғидаги 20-болалар уйи тарбияланувчиларига чолғу асбоблари ва спорт анжомлари, қўғирчоқлар олиб беришди. 270 сўмга Жумабой Бекмуродов номи ёзилган гиламни унинг ота-онасига эсдалик учун топширмоқчимиз.

1986 йилдан буён беминнат ёрдам отряди 20-болалар уйи тарбияланувчиларига 6000 сўмлик зарур ашёлар ҳадя қилишди.



Талабалик олтин даврим деб бежиз айтмаймиз. Аммо шу олтин даврнинг ўз машаққатлари, ечилмаган муаммолари талайгина. Насиба Тожибоева журналистика факультетининг 2-курс талабаси, аълочи. Шу билан биргаликда қаҳратон қиш кунлари, совуқ аудиторияларда таҳсил кўраётган минглаб талабаларнинг бири ҳамдир.

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТОВ.

Жим туролмайман

Малакали мутахассис осмондан тушмайди

Ҳар йили мамлакатимизда олий ўқув юртларини битираётганларга давлатнинг миллионлаб сўмлари сарфланади. Лекин шулардан бир қисмигина ўз соҳаларининг ҳақиқий усталари бўлиб етишмоқда. Қолганлари ҳақида бундай дейиш қийин.

Бунинг бош сабаби, бизнингча, ўқув планларининг пухта эмаслигидир. Мана қўлимизда В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг ўзбек филологияси факультети ўқув плани. Бунда беш йил ичида ўтилиши керак бўлган фанлар ва уларга ажратилган соатлар ўз аксини топган. Уни синчиклаб ўрганиб чиқар эканмиз, ўқув планида жиддий нуқсонлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Даставвал, мутахассисликнинг асосий фанлари ҳисобланган ўзбек тили ва адабиётининг ўқитилиши ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз.

«Ўзбек адабиёти» икки қисмга бўлиб: «Ўзбек адабиёти тарихи» ҳамда «Ўзбек совет адабиёти тарихи» тарзида ўқитилади. Агар «Ўзбек адабиёти тарихи» ўн тўрт асрдан ортиқроқ бой ва серқирра адабий жараённи ўз ичига олса, «Ўзбек совет адабиёти тарихи», 70 йил, борингки, 72 йиллик даврни қамраб олади, холос. Биринчиси учун 360 соат, иккинчиси учун эса 320 соат вақт ажратилган. Шуми ўзбек адабиёти тарихига бўлган ҳурмат?!

Буни шу дорилфунуннинг рус филологияси факультети ўқув плани билан қиёслаб кўрайлик. Гарчи рус адабиёти тарихи ўзбек адабиёти тарихига нисбатан анча қисқа даврни ўз ичига олса-да, бу фан учун 410 соат вақт ажратилган, рус совет адабиётига эса 258 соат. Ўйлаб кўрингчи, қайси бири мантиқан тўғри?! Албатта, рус филологияси ўқув плани талаблари ҳақиқатга яқин. Шу ўринда яна бир масала ҳақида тўхтаб ўтиш керак.

Ўзбек филологияси факультетида рус адабиёти тарихига 300 соат ажратилган. Бу ўзбек адабиёти тарихига ажратилган вақтдан 60 соатгина кам, холос! Рус филологияси факультетида эса ўзбек адабиёти умуман ўқитилмайди!!!

Нима учун биз билан бир ҳаводан нафас олаётган ҳамкасабалар бизнинг адабиётимиз тарихидан бехабар қолиши керак?! Икки факультетнинг ўқув планини яна бир предмет орқали қиёслаш мумкин. Бу — «Чет эл адабиёти тарихи». Мазкур фан ўзбек филологияси факультетида 280 соат, рус филологияси факультетида эса 468 соат ўтилади. Уларга кўпроқ вақт ажратилганини оқласа бўлади. Чунки «Чет эл адабиёти тарихи» асосан Ғарб адабиёти тарихидан иборат бўлиб, рус адабиётининг шаклланишида хизмати катта. Лекин Ғарб маданияти, бизнинг маданиятимиз ҳам, Шарқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ-ку! Нега энди биз Ғарб адабиёти тарихини 280 соат ўрганамизу, Шарқ адабиёти тарихидан ҳеч қандай маълумотга эга бўла олмаймиз?!

Бу ҳам етмагандек, рус филологияси факультетида «Чет тиллар»дан ташқари бутун курсга лотин ва грек тиллари мажбурий фан сифатида ўтилади. Нега энди бизда классик илмомиз ва шеъриятимизга бевосита алоқадор бўлган араб ва форс тилларини ўқитиш йўлга қўйилган эмас? (Ҳозиргиси бутун курсга эмас, балки битта группага мўлжалланган).

Яна бир масала борки, бу «Ўзбекистон тарихи» фанига алоқадор. Мазкур фан факультетимизда бир семестр ўтилади. Бу биз учун шармандали ҳол. Ўлкамиз тарихига лоқайдлиқ билан қараш қачонгача давом этади? Биз бу предмет дарс соатларининг кўпайтирилиши ва мазмуни чуқурлаштирилиши зарур, деб биламиз.

Юқорида биз айрим фанларнинг ўқув соатларини ўзгартириш, ўқув планида ҳозиргача бўлмаган зарур фанларни эса киритиш ҳақида гапирдик. Лекин «Шарқ адабиёти поэтикаси» фанининг ўқув планида бўла туриб, айрим группалардагина ўтилаётганига нима дейсиз? Бизнингча, мазкур фанни бутун курсга ўқитиб, талабаларни аруз илмидан, илми бадеъ, қофия илми ва адабиётимизда мавжуд бўлган фалсафий (масалан, тасаввуф) қарашлардан хабардор қилиш зарур.

Факультетимизда ўзбек тилининг ўқитилишини, унга ажратилган ўқув соатларини рус филологияси билан қиёсласак, деярли бир хил. Лекин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқув планини солиштиришимиз шуни кўрсатадики, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» предмети мазкур факультетда 550 соат ўтилаётган бир пайтда, бизда 470 соатни ташкил этади. Биз жумҳуриятимизда ўзбек тилининг мавқеи учун кураш кетаётган бир даврда факультетимизда она тилимизга оид предметларга эътиборни кучайтириш лозим, деб ўйлаймиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: «Юқоридаги талабларни қайси фанларни қисқартириш эвазига амалга ошириш мумкин?»

Биз дорилфунун ва педагогика институти ўқув планларини муқояса қилдик:

	ТошДУда	ТошДПИда
Жисмоний тарбия	528	140
КПСС тарихи	340	170
М. — Л. Фалсафаси	280	140
Сиёсий иқтисод	280	140
Илмий коммунизм	160	80

Бу таққос мутахассисликка оид фанлар қайси фанларнинг соясида қолиб кетаётганини кўрсатаяпти. Сиёсий фанлар ва жисмоний тарбия ўзбек филологияси талабаларининг ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш учун сарфлашлари зарур бўлган қимматли вақтини ўғирлаяпти, холос. Ўйлаймизки, юқоридаги фанларга ажратилган ўқув соатлари қисқартирилиши, жуда бўлмаса, педагогика институти даражасигача туширилиши зарур!

Ахир дорилфунун асосан илмий ходимлар тайёрлаши керак эмасми?

Ҳалигача факультетимизни битириб кетаётган талабаларнинг 95 фоизи мактабларга ўқитувчи қилиб юбориляпти.

Маълумки, биргина Қўлёзмалар институтида сақланаётган 80 мингдан ортиқ (!) қўлёзмалар ўрганилмаган.

Бизнинг талаб: педагогик практикалардан талабаларнинг маълум қисми озод қилинсин. Илмий ишга лаёқатли ёшларга ишлаб чиқариш практикаларини ўтказиш учун қўлёзмалар институтида ёки бошқа илмий муассасаларда шароитлар яратиб берилсин. Шундагина биз қайта қуришнинг муваффақияти учун аҳамиятли иш қилган бўламиз. Бугунги кун биздан шуни талаб қилади.

Олим ТЎЛАБОЕВ,
Фарҳод ҲАЙИТМЕТОВ,
Улуғбек СУЛТОНОВ,
ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг 3-курс талабалари.

ТАШРИФ ҚОҒОЗИ

Мана, ниҳоят, яна бир савобли ишнинг илк ғишти қўйилди: газетада газета — «Жилға»нинг дастлабки сони қўлингизда. Бу ҳали шунчаки бошлама, тажриба. Унинг келажаги, яшаб қолиши сизларга — азиз муштарийларимиз бўлган кўп минг сонли талабаларга боғлиқ. Инқилобий ўтиш даври талабасининг кўнглида йиғилиб қолган дардлари оз дейсизми? Покланиш жабҳасида талабалар дунёсида нималар бўлмоқда? Муаммолар, ечимлар «тош»и оғирми? Дард оғринишлар қайда? Бирбиримизнинг кўнглимизни топиб, орзу-истакларимизни англаб, ҳамкор бўла оламизми?

Айтаверсак гап кўп. Бу биздан кўра сиз талабаларга беш бармоқдек аён. Демак, истагимиз — «Жилға»нинг сон-саноқсиз ирмоқларидан қувват олиб, жўшиб оқиб, бир кун улкан дарёга қўшилиш экан, ҳар бирингизни ана шу ирмоқларга айланиб, умумишимизга мададкор бўлишингизни хоҳлардик.

Сизга «ташриф қоғози»мизни беришдан олдин бир қатор саволлар билан мурожаат қилмоқчимиз.

1. «Жилға»нинг биринчи сонини ҳамкурсларингиз қандай кутиб олишди? Камчилик ва ютуғи ҳақида фикрингиз?
2. «Жилға»мизнинг мавзуси — «оқими» янада кўламдор, шиддатли бўлмоғи учун қайси томонларга кўпроқ «ўт очиши»миз керак?
3. «Жилға»миз энг иқтидорли, қобилиятли ёш талабаларни «кашф қилиш» ниятида. Бу мавзуга қандай ойнасўз таклиф қилардингиз?
4. «Жилға»нинг келгуси сонларида кўпроқ нималар ҳақида ўқишни истардингиз? Мусиқа, санъат, адабиёт, тенгқурлар ижоди... Танқидий мақолалар кўпроқ бўлсинми ёки таклиф, амалий ишларни ёритиш?
5. Унинг бадиий безатилиши, «қиёфа»си, қамрови ҳақида фикр, истагингиз?

АЗИЗ ТАЛАБАЛАР! «Жилға»нинг фақат муштарийси эмас, доимий мулоқотдошлари, муаллифлари бўлиб, ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Мулоқотга марҳамат! Хатларингизни кутамиз.

Хабарноманинг бу сони «Жилға»нинг таҳрир ҳайъати аъзолари — Р. АЛИМОВ, Қ. НОРҚОБИЛОВ, Б. ТЎХТАБОЕВ, Ж. НАҲАНОВ, И. СУЛТОНОВ, М. ҲОЖИМАТОВлар иштирокида тайёрланди.

Футбол мавсуми олдидан

«ПАХТАКОР» — 1990 ЙИЛДА

ЭҲТИМОЛ бу учрашувлар команда тарихига кирмас — чунки улар шериклар билан машқ учрашувларидир. Лекин уларнинг ҳар бири эсда сақланиб қолади.

Ун тўққиз яшар Рифат Галеев Қўрғонтепанинг «Вахш» командаси дарвозасига киритган тўпини эслаб юрди. Зарб билан тепилган тўп дарвозабон қўлидан чиқиб кетиб, дарвоза ичига кирган учунгина эмас... Энг муҳими Рифат ёшлигидан орзу қилган команданинг «номидан ва унинг топшириғи билан» тўп киритилди. Шу ўйинда Рифат пахтакорчилар сафида биринчи бор қатнашди.

Уттиз уч яшар Хорен Оганесян ҳам Чирчиқнинг «Сельмашевец» командаси дарвозасига киритган икки тўпни эслаб юради. У олий лигада, ҳатто мамлакат терма командасида иштирок этиб, юзлаб ўйинларда қатнашган, ўнлаб тўп киритган. Лекин бу ерда алоҳида маҳорат билан ўйнади. Чунки бу ўйин Тошкентнинг «Пахтакор» командаси билан танишишга бағишланган ўйин эди.

«Пахтакор»нинг янги тренери Федор Сергеевич Новиков ҳам мавсум олдидаги ҳар бир ўйинни эслайди. У Куйбишевда «Крылья Советов» командасида ўйнаб, спорт мастери бўлган вақтда бундай ўйинларнинг кўпини кўрган. Сўнгра, Уфада, кейин эса Куйбишевда Саратовда, Астраханда ишлади, унинг спорт соҳасидаги педагогик истеъдоди РСФСРда хизмат кўрсатган тренер унвони билан тақдирланди.

Хуллас, тренер, ветеран футболчи ва ёш спортчи бу ўйинларда биринчи бор иштирок этдилар. Командага янги келган спортчилар ҳақида алоҳида тўхталиш керак. Чунки мавсум арафасида командада юз берган асосий ўзгаришлардан бири унга ёш футболчилар, яъни Ўзбекистон футбол мактаби тарбияланувчилари қабул қилинганлигидир. Тажрибали спорт педагогларининг фикрича, жумҳуриятнинг етакчи командаси энг юксак намуналарни кўзлаб, Ўзбекистонда футбол тараққиётининг энг яхши тенденцияларини акс эттириши ва айни вақтда жумҳуриятнинг бутун футбол турмушига ҳаётбахш таъсир ўтказиши керак.

Шу муносабат билан «Пахтакор» устозлари Ўзбекистондаги барча футбол командаларини кўздан кечириб чиқишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганликларини таъкидламоқчимиз. Бу «кўрик»ни жумҳуриятнинг етакчи командаси учун фақат резервлар излаш деб тасаввур этиш нотўғри бўлур эди. Бу «кўрик»лар биринчи навбатда Ўзбекистон футболининг анъаналарига, турли табақадаги командалар билан, бунинг устига ҳам тажрибали ўйинчилар, ҳам ўсмирлар, ҳам болалар билан ишлаётган жуда кўп спорт педагоглари ижоди ва меҳнатига самимий ҳурмат белгисидир.

«Кўрикка» ўттиз бир нафар ёш футболчи таклиф қилинди... Улардан қайсилари команда сафига қўшилади? Бу саволга жавоб қайтариш осон эмас. Чунки командага қабул қилиш учун фақат соф спорт фазилатларигина талаб қилинмайди — устозлар маслаҳатдош коллективини тузадилар, бундай коллективда чинакам дўстлик ҳукмрон бўлиши керак.

Команданинг имкониятлари ҳозир ҳам жуда юқори — ҳатто етакчи футболчилар группаси кетгандан кейин ҳам «Пахтакор» ҳар қандай рақиб билан муносиб беллаша олади. Унинг ишончли негизи мавжуд: командада ажойиб кекса авлод ўйинчилари ҳам, маҳорат чўққисини эгаллаётган спортчилар ҳам бор. «Пахтакор»га баъзан навбатдаги ўйинга руҳий жиҳатдан тайёргарлик кўриш... «кайфият» етишмай қолади. Бир учрашув ажойиб, қизиқарли ўтса, иккинчи ўйин томошабинларнинг хафсаласини пир қилади. Шунчаки малакали ўйинчиларни танлаш эмас, балки чинакам команда вужудга келтириш, касбга чинакам меҳр қўйган ёшларни танлаш — мураббийларнинг асосий мақсади бўлди.

Команда «штаб»ининг ўзи ҳам ана шундай бирлик ва ҳамжиҳатликнинг ишонарли намунасига айланди. Ўзи раҳбарлик қилган коллективларни юқори босқичга олиб чиққан, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Виктор Васильевич Борисов, команданинг илмий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олган педагогика фанлари номзоди Асқар Имомжонович Толибжонов, Ўзбекистон футболининг ветерани Михаил Артемьевич Вартазаров Ф. С. Новиковнинг ишончли шерикларидир.

— Лекин коллектив бирданига вужудга келмайди, анъаналар ва янгиликлар бир-бирига чатишиб кетгандагина аҳил коллектив вужудга келади, — дейди Фёдор Сергеевич. — Гап фақат давомийлик ҳақида бораётгани йўқ. Командага янги қабул қилинган спортчи чинакам истеъдодли ва меҳнатсевар бўлса, у фақат шогирд бўлиб қолмайди. Вақти келиб командага унинг ўзи ўз ҳиссасини, ўзига хос янгиликларни киритади.

Лекин гап мутлақо «Пахтакор»нинг бошқа коллективлар ҳисобидан кучайтириш тўғрисида бораётгани йўқ. Бу икки томонлама ҳаракат қилинадиган йўлга ўхшайди: жумҳурият ва бутун мамлакат миқёсида футболнинг барча иштирокчилари тағин ҳам кучлироқ бўлишлари керак.

Келинг, текшириб кўрайлик: спортчини бошқа бир коллективга юбориш ўз командасини заифлаштириш бўладими? Бу қандай кўз билан қарашга боғлиқ.

Мисол учун «Пахтакор» икки йигитга — Мирмахсул Қосимов билан Андрей Пятницкийга мамлакат ёшлар терма командасига қўшилишга оқ йўл тилади. Башарти улар контрол ўйинларда ва ўртоқлик учрашувларида ўзларини кўрсата олсалар, уларни асосий составга киритадилар, у ҳолда йигитларнинг терма командага «командировка»си мавсум давомида тахминан 140 кун давом этади. Бу эса «Пахтакор» 18—19 ўйинни ўзининг асосий ярим ҳимоячиларисиз ўтказади, деган маънони билдиради. Лекин иккинчи томондан қаралса, етакчи футболчиларнинг арзийдиган дублёрлари бўлиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун соғлом рақобат вужудга келади, бунинг устига — энг муҳими Қосимов билан Пятницкий терма командада тажрибасини, халқаро учрашувлар практикасини «Пахтакор»га олиб келадилар. Бунинг устига юқори босқичдаги турнирларда қатнашиш, моҳир футболчилар билан ёнма-ён тўп суриш, ҳар бир спортчининг маҳоратини оширишини ҳар бир спортчи билади.

«Пахтакор» ҳозирнинг ўзидаёқ команданинг янги раҳбарига боғлиқ бўлмаган вазият туфайли бўшаб қолган ўринларни мавжуд резервлар асосида нисбатан ишончли равишда тўлдириш мумкин эди. Лекин гап фақат моҳир ўйинчини танлаш ёки алоқаларни тиклаш тўғрисида бораётгани йўқ. Шу дақиқалардаги вазифаларни истиқболдаги вазифалар билан боғлай билиш керак. Худди шу ўринда турли авлод спортчиларининг дўстлиги ва алоқалари талаб қилинади.

«Пахтакор»нинг синовдан ўтган дарвозабони Александр Яновский билан унинг ёш шериклари—Тошкентнинг «Трактор» командасидан Герман Безденежных ва Қўқондаги «Автомобилчи» командасидан Евгений Рохалин ўртасида вужудга келган яхши алоқалар бунга мисол бўла олади.

Ветеранлар — тренерлик фаолияти билан шуғулланиш ниятидан команда манфаатларини кўзлаб воз кечган Сергей Бондаренко, Геннадий Денисов, Мустафо Беялов ҳимоя чизиғини ташкил этувчи ёш спортчиларни ўз қанотлари остига оладилар.

Икки ўйинчини СССР терма командасига командировка қилаётган ярим ҳимоя ва ҳужум чизиғининг шаклланиши қийинроқ бўлади. Лекин бу ўринда ҳам ишончли таянч, истиқболли ёшлар тўғрисида гапириш мумкин. Марат Кабаев, Игорь Шквырин, Азамат Абдураимов, Сергей Ковшов, Андрей Микляевлар билан бирга «Шаҳрисабз»дан Рифат Галеев, Талгат Шейхамедов, Самарқанднинг «Динамо» командасидан Илҳом Шарипов, Замир Селимов, Улуғбек Рўзимовлар майдонга тушадилар.

Янги қабул қилинган футболчиларга улар мақсаднинг муштараклигини ҳис этишлари учун алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунисидиққатга сазоворки, хорижий шериклар ҳам профессионал клуб билан алоқа ўрнатишга уринмоқдалар. Чунончи, тошкентликлар расмий учрашувларда команда ҳомийси — Ғарбий Германиядаги «Гут Брот» фирмаси рамзи тасвирланган формада қатнашадилар. Бир қанча маҳаллий корхоналар билан ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда.

— Ўзбекистондаги кенг жамоатчилик, спорт ташкилотларининг футболга муносабати бизни қувонтирмоқда, — дейди Фёдор Сергеевич Новиков. — Биз машқ ўтказадиган ажойиб базамиз бор, тегишли ташкилотлар клуб эҳтиёжларини яхши англамоқдалар. Ҳаммамиз мавсумдаги асосий ўйинларни муносиб ўтказишни хоҳлаймиз.

Т. ГОЛУБКИНА,
Е. ЕФИМОВ.
ЎзТАГ мухбирлари.

ХАЙРИЯ ЯРМАРКАСИ





МОЛДАВИЯ ССР. Кишинёв комсомолининг Октябрь ноҳия қўмитаси қошида ташкил этилган болалар ва ўсмирларнинг «Альтернатива» уюшмаси аъзолари кўп болали оилаларга ёрдам бериш учун хайрия ярмаркасини ташкил қилдилар. Улар квартираларда болаларнинг кераксиз нарсалари, ўйинчоқлари, китобларини йиғиб, шаҳардаги энг катта комиссион магазинда ўн тийиндан икки сўмгача нарх қўйиб сотдилар. Ана шу тариқа қарийб минг сўмгача пул йиғилди. Бу пуллар кам таъминланган оилалар учун товарлар олишга сарф этилди.

Суратда: юқорида хайрия ярмаркаси. Бу пуллар кўп болали оилаларга ёрдам тариқасида берилади.

С. ВОРОНИН суратга олган.

(ТАСС сурат лавҳаси).

ТВ

2 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

17.30 «Барча даврлар ва халқлар санъати», «Овоз». Телефильмлар. 17.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бувижон, ўргатинг». Мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сайловлар олдидан». 18.55 «Суянчиғим — шеърият». Шоира Зулфия Бобоеванинг ижоди ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ҳуррият шабадаси». Хоразм Халқ жумҳурияти ташкил топганлигининг 70 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музофот театрлари яккахонларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Амалий давра суҳбати. 22.40 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 4-қисм. 23.55 Янгиликлар. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Бегемот ва қуёш». Мультфильм. 9.15 «Биринчилардан бўлинг». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»). 9.35 «Мўъжизалар майдони». Ҳаваскор цирк коллективларининг чиқиши. 10.25 «Инсон. Ер. Коинот». 11.25 «Илиқ нур». Телевизион ҳужжатли фильм. А. П. Чеховнинг Мелеховдаги адабий-мемориал музей-қўриқхонаси ҳақида. 12.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Олам кинокамера кўзгусида».

* * *

16.00 Яшил чироқ. «Ўзингизда гўзалликни уйғотинг». 16.40 «Индонезия бўйлаб». Кинопрограмма. 17.25 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий ўйин. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Февтиваль белгилари». Халқ ижодиёти III Бутуниттифоқ фестивали. 20.00 Шеърият лаҳзалари. 20.05 «Ўйинчоқ». Бадиий фильм. (Франция). 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.30 «Нигоҳ». 00.10 «Акцент». Авторлик қўшиқлари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Волошин аквареллари». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Қордаги излар. 9.55, 10.55 «Қиш кунида». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. Степан Разин бошчилигидаги деҳқонлар уруши. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Давр билан юзма-юз», «Таассурот».

13.05 «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм. 14.30 «Бу ҳаммаси меники эмас». Ҳужжатли фильм премьераси (Литва киностудияси).

* * *

17.30 «Ўйинчоқлар сири». Мультфильм. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Биз» видеоканали» (Красноярск). 18.40 Қримтатар халқ қўшиқларини С. Меметова куйлайди. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Планета». Халқаро программа. «Спираль». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сирли ғойиб бўлди». Мультфильм. 20.50 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Ихтиёрий программа. Ленинграддан кўрсатилади. 21.50 «Мовий тоғлар ортида». Ҳужжатли фильм. 22.00 Спорт ҳамма учун. 22.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар студияларининг фильмлари. «Ўтмишдош». 1 ва 2-сериялар («Грузия-фильм»). Премьера.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 3 февралда чиқади).

Бир хат изидан

НАВБАТДАГИ ЎЛИМ...

Мойиддин ака дастлаб редакцияга келганида ўғлининг — яккаю ягона Баҳодирининг эндигина «йигирма»си ўтганди. У бўлиб ўтган воқеаларни йиғлаб-йиғлаб гапириб берди.

Қани энди, имконинг бўлса-ю, ўша заҳотиёқ у билан бирга чиқиб кетсанг, фожианинг охирига етсанг, кеч бўлса-да, бечора отанинг дардига малҳам бўлсанг. Лекин бу замонда куйган, зор қақшаган, жигаргўшасидан ажраган битта уми?

Ҳадеганда қўл тегмади, бу орада Баҳодирнинг «қирқи» ҳам ўтди. Мойиддин ака яна келди. Йиғлаб келиб, йиғлаб кетди.

Ва ниҳоят, фурсат топиб, Баҳодирнинг ўлими тафсилоти билан танишишга чоғланганимизда ва унинг ниҳоясида бир тўхтамга келолмай, бошимиз қотиб юрган кезлар Мойиддин ака яна келди. Бечора ҳали ҳам ҳовридан тушолмаганди. Гапиролмасди, йиғларди. Шунда бир нарсани ҳис қилдик: фарзанд доғи вақт ўтган сари пасаймас экан, аксинча, тобора ўртаркан...

11 октябрь куни Баҳодир ишдан бетоброқ бўлиб эрта қайтди. Кун бўйи қусди. Иссиғи ниҳоятда баланд эди. Кечқурун «тез ёрдам» чақирилди. Бемор врач Гулнора Ярашевага иссиғи ошиб кетаётганидан, дармони қуриб фақат қайт қилаётганидан шикоят қилган.

Беморни кўриш давомида Ярашева ҳеч бир хавфли касаллик белгиларини сезмаган ва унга нафас йўли ўткир шамоллаши диагнозини қўйган. Аҳволи кўпдан бери ўзгармаётган бўлса, уни юқумли касалликлар шифохонасига олиб кетишни таклиф этган. Лекин беморнинг ўзи, уйидагилар рози бўлишмагач, поликлиникага мурожаат қилишни айтган.

12 октябрь. Баҳодир ўзини янада ёмон ҳис қила бошлади. Икки кундан бери бетўхтов қусаётган, иссиғи ниҳоятда юқори, юришга мадорсиз бир аҳволда бўлишига қарамай 14-поликлиникага борган. Терапевт врачи Юлдуз Мавлонова Баҳодирда кечаётган ҳолатни ёмон овқат еб қўйганликка йўйган, касаллик варақасига ўткир ошқозон касаллиги, шунингдек нафас йўли шамоллаши диагнозини ёзиб, эртага яна келиб кўринишини буюрган.

Кечқурун Пирмуҳамедовлар хонадонига яна «тез ёрдам» келди. Бу сафар фельдшер Алла Иванова сурункали ошқозон касали деб кетган.

13 октябрь. Эрталаб соат 11 да «тез ёрдам» врачи Ноила Садиваққосова Баҳодирнинг касалини «сариқ» деб топиб, Тахтапулдаги 1-юқумли касалликлар шифохонасига олиб келган.

«Сариқ»қа чалинган бемор менингит бўлимига ётқизилган. Чунки бўлим мудири Насриддиновнинг кўрсатма беришича, касалликнинг бошланиши — иссиқлик даражаси ошиб кетиши, қаттиқ бош оғриғи, тўхтовсиз қусиш, буларнинг бари менингитга хос аломатлардир. Соат 13.30 да касалнинг орқа миясидан суюқлик олинган. 14 октябрь куни беморга яна «сариқ»нинг «В» кўриниши, деб диагноз қўйилди. Ва ниҳоят шу куни ундан текшириб кўриш учун қон олинган.

Б. Пирмуҳамедовни 9 бўлим-«сариқ касалликлар бўлими»га ўтказишганда соат кундузи иккилар эди. У пайтда бўлим мудири Инобат Эшмуҳамедованинг иш вақти тугаб, уйига кетган. Беморни навбатчи врач кўрган.

15 октябрь соат 10.30 ларда навбатчи врач Ғафурова кўрарkan, Баҳодирнинг ҳолати ўша-ўша, иссиғи баланд, қусиш давом этарди. Сариғи янада кўпайган, қатор даволаш тадбирлари кўрилса-да, аҳволида ўзгариш сезилмагач, реаниматор чақиришган. Соат 14 ларда қон қусган. Шундан кейингина Баҳодирни реанимация бўлимига олишган.

16 октябрь. Ёш, бақувват йигит бўлишига қарамай, сурункали қусиш, оғриқ Баҳодирнинг тинкасини қуритди. Касалликка тоб беролмай, хушидан кетди. Шу куни беморни доцент Р. Цой, Н. Алиакбарова, С. Ҳошимовлар келиб кўришган.

17 октябрь. Консилиум чақирилди. Профессор Одилов, Цой, Комилов, Ҳошимовлар кўришган.

Соат 20.55 да Б. Пирмуҳамедовнинг юраги урушдан тўхтади.

Ўлим ҳақидаги гувоҳномага: «В» кўринишдаги сариқнинг жигар ва бош миянинг яллиғланиши билан кечадиган оғир шакли, деб ёзилган. Мана, сизга касаллик тарихи. Юқоридаги барча қайдлар Пирмуҳамедов касалига дахлдор врачлар кўрсатмаларига биноан ёзилди.

Ҳар хил ўйлар гирдобида шифокорларга қайта-қайта мурожаат қилдик.

— Беморнинг иссиғи баланд бўлган. Нега зўрлаб бўлса-да, уни касалхонага олиб кетмадингиз? — деган саволимизга Гулнора Ярашева:

— Мен унда ҳеч қандай сариқ касаллигининг аломатларини кўрмадим. Шундай бўлса-да, касалхонага олиб кетишни таклиф қилганман. Ўзлари рози бўлишмаган, — деб жавоб берди.

— Баҳодир бизга тушдан кейин, соат тўртларда келиб кўринган. Мен унга ўткир ошқозон ва нафас йўлининг яллиғланиши касалликлари диагнозларини тахминан қўйдим. Сабаби қонни текшириш учун кеч бўлганди. Беморга эртага келишни буюрганман, — дейди поликлиника врачи Ю. Мавлонова.

— Касалликнинг бошланиши — нафас йўлининг яллиғланиши, ошқозон хасталиги аломатларини беради. Унинг тез ўтадиган формаси жуда оғир бўлиб, бирдан юз беради. Дастлабки кунларда касалликни аниқлаш қийин бўлади. Бемор касалхонага олиб келинганда ўткир ошқозон, нафас йўлининг яллиғланиши, сариқ касалликларининг тахминий диагнози билан келган. Текшириш натижасида менингит аломатлари топилган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, менингитга қилинган даволашлар сариқ касалига ҳам тўғри келади. Табиийки, биз касални даволашда ҳеч қандай хатога йўл қўймаганмиз, — дейди 1-юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи ўринбосари Насиба Абдуазимовна Алиакбарова.

— Демак, касалликнинг бу турига чалинганлар ўлиши аниқ экан-да.

— Ҳа...

— Бундайлар кўпми?

— Учраб туради...

Демак, ҳаммаси тўғри. Баҳодирнинг касали узоққа чўзилмаган дейлик. Лекин «тез ёрдам» врачлари Г. Ярашева, Н. Садиваққосоваларнинг таъкидлашича, Баҳодирнинг қўлида амбулатория варақаси бўлиб, у ўн кунлар давомида уйда даволанган.

Поликлиникадаги касаллик варақасини ўқиркансиз, касаллик олдинроқ бошланибди-да, деган саволингиз жавобсиз қолади. Касаллик варақасида Баҳодир олдин (12 августдан 7 сентябргача) 1-шаҳар клиник касалхонасида даволангани қайд этилган. Бемор шифохонадан чиқар маҳал ультратовуш диагностикасидан ўтган. Текшириш натижасида жигар, буйрак касалликлари топилмаган. Баҳодирни врач У. Раупова чап томон ўпка яллиғланиши (пневмония) касаллиги билан ҳисобга олган.

7 сентябрдан то 12 октябргача Б. Пирмуҳамедов бирор ери оғриётганидан шикоят қилиб келганлиги касаллик варақасида қайд этилмаган. Поликлиника врачлари таъбири билан айтганда, шу давр ичида Баҳодирни ҳеч қандай касаллик безовта қилмаган.

Машъум 6 кун... Агар буни ажал дейдиган бўлсак, Баҳодирнинг ҳаётига мана шу қийноқлар, азоблар исканжасида кечган 6 кун ичида якун ясабди-да.

Биз тиббиётдан анча йироқмиз. Табиийки, унинг мураккаб сир-синоатларида врачлар билан мунозарага киришa олмаймиз. Лекин, ҳар қанча холис бўлишга уринмайлик, соппа-соғ инсон 6 кун ичида ўлиб кетишига асло тушунолмаймиз. Ахир бу 6 кун ичида у мунтазам врачлар назорати остида бўлган-ку! Қўйилган қатор-қатор диагнозлар билан фурсат бой берилмаганмикин? Нега уни ўша биринчи йўқловда ҳарорати баландлиги, қайт қилаётганини ҳисобга олиб, гарчи ота-онаси бунга розилик бермаса-да, мажбурлаб бўлса-да, касалхонага олиб кетишмади? Нега ўз вақтида қони текшириб кўрилмади? Эътиборсизлик, лоқайдлик ўз ишини қилмадимикан?

Энди бир умр Мойиддин аканинг ҳаловатини бузадиган бу шубҳалар, бу гумонлар беихтиёр бизни ўйлантиради. Бир нарса дейишга ожизмиз. Қаергаки кирган бўлсак, қайтадан бир савол бердик:

— Баҳодир-ку, ўлиб кетди, лекин бу ўлим воқеаси ҳақида ўйладингларми?

— Албатта, — дейишади врачлар, — кўриб чиқдик, муҳокама қилдик...

— Ҳеч кимга чора кўрилмадими?

— Агар хато қилмаган бўлсак, нега чора кўрамиз?

Ҳа, врачлар хато қилишмаган. Улар Баҳодир ўлгунга қадар, ҳатто ўлгандан сўнг ҳам хато қилишмаган. Барча қонун-қоидаларига амал қилиб, унинг ўлимини «кўриб чиқишган, муҳокама қилишган» ва бўлган воқеадан ҳамкасбларини хабардор этиб, ҳушёр бўлишга чақиришган бўлишса ҳам ажаб эмас. Бироқ, бундан Баҳодирга не наф? Худди ўз ўлимига ўзи айбдордай. Унинг айби — касалликка чалингани. Тирик қолиш учун табобатда мўъжиза яратилиши керакдай. Лекин бундай мўъжиза яратишмади. Баҳодирни жуда бевақт йўқлаб келган ажалга тиббиёт чорасизмиди, буни айтиш қийин. Зеро, тиббиётимизнинг ношуд ва нотавонлиги, аҳволи абгорлигини биламиз-ку.

Яшашга тўла маънода ҳақли, инженер-энергетик деган касби бор, икки фарзанднинг отаси, ота-онасининг эса ёлғиз ўғли 26 ёшга тўлган кунини бахтиёр оиласи билан, тўкин дастурхон атрофида нишонлаш ўрнига зулматли қабр ичра, қора тупроқ остида ётса! Ким айбдор? Дунёда ҳар бир нарсанинг сўрови бор-ку, ахир. Худди шунингдек, ҳали бундай ўлимлар жуда кўп бўлишини ҳам ич-ичдан сезиб яшаймиз. Баҳодирнинг ўлими ошкоралик замонида бутун йиртиқ ямоғи очилиб қолган совет табобати учун бор-йўғи навбатдаги ўлим, холос. Бизнинг қалбимизни эса бир савол кемирмоқда: Баҳодирнинг ўрнида номлари юқорида зикр этилган шифокорларнинг фарзанди бўлганда ҳам воқеа шу қадар фожиали тугармиди?..

Меҳрибон
ҚУРБОННИЁЗОВА,
Аҳрор АҲМЕДОВ.



Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади

Дайдилар беозорми?

◆ Кўпчиликнинг назарида кўча-кўйларда бемақсад сандираклаб юрган дайдилар мусичага ҳам озор етказмаётгандек бўлиб кўринади. Ички ишлар бўлими ходимлари уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллашганда, кўнгилчан фуқароларнинг норозилигига ҳам дуч келишади. Афсуски, дайдилар орасида турли-туман юқумли касалликларга чалинган ёки оғир жиноятларга қўл урган кимсалар ҳам борлигини улар хаёлларига келтиришмайди.

Фикримизнинг исботи сифатида пойтахт милицияси ўтказаётган рейднинг бир кунлик натижаси билан таништириб ўтсак. Бир кун ичида тиланчилик ва дайдилик билан шуғулланганларнинг 117 нафари ички ишлар бошқармасининг махсус муассасаларига жойлаштирилди. Уларнинг шахсини текшириш давомида қамоқдан қочган бир киши, қилган жинояти учун қидирилаётган беш киши, 40 дан зиёд сил, таносил ва асаб касалига мубтало бўлган кишилар борлиги аниқланди.

Шу рейдни ўтказиш жараёнида юз берган 29 та жиноят очилди. Ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг айримлари дарбадар ҳаёт кечиришга одатланган шахслар томонидан содир этилган.

Босқинчилар

◆ Ҳеч ким мушугини пишт демаса, боқибеғамдан ҳам ўт чиқса керак. Жиззах шаҳрида яшовчи 17 ёшли тоғни урса талқон қиладиган И. Ҳазратқулов ўтган йил ноябрь ойидан бери бели оғримасдан нон ейди. У 17 январь куни Жиззах ноҳиясидаги «Москва» колхози аъзоси 27 ёшли М. Азимов билан тил бириктириб, қўшни давлат хўжалигидаги уйлардан бирига бостириб кирди. Босқинчилар қўлидаги пичоққа кўзи тушган уй эгаси яхши кунларга атаб йиғиб юрган тўрт минг сўм пулини уларга бериб қутилди. Ҳозирги кунда бу безорилар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Диққат, қидирув!



Жумҳурият ички ишлар органлари томонидан жиноятчи Камол Ғаниевич Алимов қидирилмоқда. У 1963 йили Тошкент шаҳрида туғилган ва Акмал Икромов ноҳиясида истиқомат қиларди.

К. Алимов ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлган кишилар бу ҳақда ўзларига яқин милиция бўлимларига хабар беришларини ёки «02» рақамли телефон орқали қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Жумҳурият ички ишлар министрлиги матбуот маркази ходими,
милиция капитани.

«Ёш ленинчи»
МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д — 23123.
Ф — 03079.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.